

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТ АҲОЛИШУНОСЛИК ЖАМҒАРМАСИ РАҲБАРИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари, Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) ижрочи директори Диене Кейтани қабул қилди.



Учрашув аввалида UNFPA раҳбари мамлакатимиз етакчисига БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг салом ва самимий тилаklarини етказди.

БМТнинг аҳолишунослик соҳасидаги нуфузли институти билан ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг UNFPA билан ҳамкорлиги сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани таъкидланди. Репродуктив саломатлик, гендер тенглик, демографик барқарорликни таъминлаш соҳаларида муҳим лойиҳалар амалга оширилди. Жамғарма мамлакатимиз тарихидаги биринчи аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш жараёнида фаол иштирок этди.

Она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини ҳимоя қилиш борасидаги ижобий натижалар алоҳида қайд этилди.

Ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, жумладан, мамлакат дастури доирасида янги қўшма ташаббусларни амалга ошириш, Ўзбекистонда ва БМТ доирасида юқори даражадаги тадбирларни ўтказишга келишиб олинди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 13 МАЙ КУНИ “ЎЗБЕКИСТОН ЭНЕРГЕТИКА ҲАФТАЛИГИ – 2026” ФОРУМИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН МАМЛАКАТИМИЗГА КЕЛГАН ОЗАРБАЙЖОННИНГ “SOCAR” КОМПАНИЯСИ БОШ ДИРЕКТОРИ РОВШАН НАЖАФ ҲАМДА “BRITISH PETROLEUM” КОМПАНИЯСИ РАҲБАРИЯТИ АРИЭЛЬ ФЛОРЕС ВА ЖОВАННИ КРИСТОФОЛИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 май куни “Ўзбекистон энергетика ҳафталиги – 2026” форумида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Озарбайжоннинг “SOCAR” компанияси бош директори Ровшан Нажаф ҳамда “British Petroleum” компанияси раҳбарияти Ариэль Флорес ва Жованни Кристофолини қабул қилди.

Учрашувда энергетика ва нефть-газ соҳасида етакчилардан ҳисобланган ушбу йирик компаниялар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Энергетика соҳасидаги кооперация муваффақиятли кечаётгани мамнуният билан қайд этилди. “SOCAR” компанияси Устюрт платосидаги углеводород конларини ўзлаштириш лойиҳасини амалга оширишда Ўзбекистоннинг шериги ҳисобланади. “SOCAR”нинг Ўзбекистондаги ваколатхонасини очиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ушбу кенг қўламли лойиҳага “British Petroleum” компанияси қўшилганига юксак баҳо берилди.

Нефть-газ соҳасида углеводород хомашёсини қидириш, қазиб олиш ва чуқур қайта ишлаш, нефть ва нефть маҳсулотларини узоқ мuddатли етказиб беришни йўлга қўйиш ҳамда тармоқ учун мутахассис кадрлар тайёрлаш бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, Озарбайжон футбол федерациялари ассоциацияси раиси сифатида ҳам фаолият юритаётган Ровшан Нажаф давлатимиз раҳбарига 2027 йилда Ўзбекистон ва Озарбайжонда ёшлар ўртасидаги U-20 жаҳон чемпионатини ўтказишга биргаликда тайёргарлик кўришдаги кўмаги учун миннатдорлик билдирди.

ЎЗА

## ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент метрополитенида йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда инфратузилмадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасида таклифлар тақдими билан танишди.

Пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари сони ортиб бораётгани, шаҳар кенгайиши ва жамоат транспортига талаб ошиши метрополитени ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқишни тақозо этмоқда. Шу мақсадда 2030 йилгача метрополитенда кунлик йўловчилар сонини 1,8 миллион нафарга етказиш, метро бекатлари сонини 79 тага, линиялар узунлигини 103 километргача ошириш мақсад қилинган. Шунингдек, поездлар ҳаракати интервалини босқичма-босқич 1,5-3 дақиқачага қисқартириш кўзда тутилган.

Метрополитен инфратузилмасини яхшилаш ва молиявий соғломлаштириш бўйича ҳам қатор чоралар белгиланмоқда. Жумладан, 2026-2028 йилларда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва фуқаро муҳофазаси объектиларини техник базасини такомиллаштириш чоралари кўрилади.

Йўловчилар хавфсизлигини кучайтириш мақсадида “Шахристон” метро бекати платформаларида синов тариқасида ойнали ҳимоя тўсиқларини ўрнатиш таклиф этилди. Халқаро тажрибага кўра, бундай тўсиқлар платформалардаги бахтсиз ҳодисаларни 80-90 фоизгача камайтириш имконини беради. Шу билан бирга, улар қўшимча реклама майдонларини яратиш орқали даромадларини оширишга ҳам хизмат қилади.

Яна бир муҳим йўналиш — янги линиялар қурилиши. Хусусан, “Мингўрик — Чилонзор буюм бозори” метрополитен линияси бўйича лойиҳа баҳолаш ҳужжатларини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Биринчи босқичда “Мингўрик — Жанубий вокзал” йўналиши, иккинчи босқичда эса “Жанубий вокзал — Чилонзор буюм бозори” йўналишини қуриш имкониятлари ўрганилади.

Метрополитенда қўшимча даромад манбаларини шакллантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Вагон ва платформаларда рақамли реклама майдонларини аукцион орқали хусусий секторга ижарага бериш, метро бекатларида вендинг аппаратлари, кичик савдо объектиларини жойлаштириш, станциялар олдига автотураргоҳлар ташкил этиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, бўш турган бино ва хоналарни коворкинг ва кичик офис сифатида тадбиркорларга аукцион асосида ижарага бериш таклиф этилди.

Автотранспортдан метро тизимига қулай ўтишни таъминлаш мақсадида “Park&Ride” тизимини йўлга қўйиш таклиф қилинди. Тақдиротда ҳаракат таркибларини янгилаш ва электродепо қуриш масалалари ҳам муҳокама қилинди. 2027-2030 йилларда метрополитен учун талаб этиладиган ҳаракат таркибларини харид қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади. Шу муносабат билан

янги ҳаракат таркиблари учун электродепо қуришга зарур ер майдони ажратилади.

Шунингдек, 2027-2035 йилларда Тошкент метрополитенини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш белгиланмоқда. Унда метрополитен тармоқларини икки баробарга кенгайтириш, йўловчи ташвиш ҳажминини 2,5 баробарга ошириш, экологик барқарор, энергия тежамкор ва хавфсиз транспорт тизимини яратиш, сервис сифати ва йўловчилар учун қулайликларни янада ошириш вазифалари қамраб олинади.

Йўлқира ҳақини тўлаш тизимини такомиллаштириш бўйича ҳам таклифлар билдирилди. Хорижий тажриба асосида масофага қараб тўлаш, аҳоли тоифалари учун имтиёзлар, кунлик, ҳафталик ва ойлик абонементлар тизимини жорий этиш имкониятлари ўрганилади.

Президентимиз жамоат транспорти, айниқса, метрополитен йирик шаҳар ҳаётида энг муҳим инфратузилмалардан бири эканини таъкидлади. Шу боис, хизмат сифати, хавфсизлик, молиявий барқарорлик ва замонавий бошқаруви бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда ривожлантириш зарурлиги қайд этилди. Тақдим этилган таклифлар маъқулланиб, уларни амалга ошириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берилди.

ЎЗА

## БИЗ ЙЎЛГА ЧИҚДИК!



### БИРЛАШГАН ЎЗАР

Яқинда Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда унинг ҳузуридаги “Маърифат” тарғиботчилар жамияти ташаббуси билан “Ренессанс” кино уйида Маданият, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорини амалга ошириш

Таниқли маданият ва санъат ҳодимлари, мамлакат зиёлилари вакиллари иштирок этган ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорини амалга ошириш

билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва вазифаларни белгилаб олиш эди.

Бу йилги истиқлол байрами “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” деган бош ғоя остида ўтказилди. Ушбу ғоя жамиятни янада жишсизлаштириш, миллий бирликни мустаҳкамлаш,

мамлакатда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни яратиш йўлидаги навбатдаги залворли, дадил қадамлардан биридир. Шу мақсадда жорий йилнинг апрель-сентябрь ойларида илм-фан, таълим, маданият, адабиёт ва санъат намоёндалари, спортчилар, жамоатчилик вакиллари билан иборат бадиий гуруҳлар тузиш ҳамда улар билан биргаликда республика бўйлаб кенг қўламли маънавий-маърифий тадбирлар ва ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

“Ренессанс” кино уйида тўпланган таниқли олимлар, зиёлилар “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” деган бош ғояни кенг халқ оmmasи орасида тарғиб этишнинг самарали йўллари, бу борада олдinda турган ишлар тўғрисида келишиб олди. Тадбир иштирокчиларининг “Миллатни бирлаштириш, ягона Ватан, ягона халқ бўлишимиз учун, энг аввало, ўзимиз бирлашиб олайлик!” деган фикрлари тадбирнинг бош мавзуларидан бирига айланди.

Ҳақиқатан, халқимизда “Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар” деган мақол бор. Биз мустақиллик йилларида нимага эришган бўлсак, буларнинг бари бирлашганимиз, олдимизга буюк мақсадлар қўйиб, уларни бажариш йўлида ўзимизни сафарбор эта олганимиз тўғрисида. Шу маънода, тадбир иштирокчиларининг “Миллат ва Ватан мафлаатлари йўлида қўлга кўлга бериб бирлашайлик!” деган зақирликлари бутун жамият аъзолари қалбига етиб борадиган даъват бўлди.

Давоми 3-бетда

## БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ – ҲИСОБОТЛАРДА ЭМАС, ХАЛҚ ТУРМУШИДА АКС ЭТАЁТГАН ҲАЁТИЙ МЕЗОН

Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) кўрсаткичларини инсон қадрини, маҳалла ободлигини ва ҳаёт сифати билан боғлаш вақти келди. Чунки бу ҳақда гап кетганда, кўпинча халқаро рейтинглар, миллий индикаторлар, стратегия ва ҳисоботлар тилга олинади. Албатта, буларнинг барчаси муҳим. Зеро, ҳар қандай давлат ўз тараққиёт йўлини аниқ рақамлар, солиштирма маълумотлар ва халқаро мезонлар орқали белгилайди.

Аммо оддий инсон учун барқарор ривожланиш тушунчаси бутунлай бошқача маънога эга. Яъни бу уйда тоза ичимлик сув бўлиши, фарзанди яхши мактабда ўқиши, поликлиникада соатлаб навбат кутмаслиги, ёшларнинг иш топиши, маҳаллада йўл ва ёритиш яхшиланиши, ҳавонинг тозаллиги, тадбиркорнинг ортиқча тўсиқларсиз ишлаши, давлат идорасида масаласи адолатли ҳал бўлишидир.

Шу маънода, БРМ фақат БМТ кун тартиби ёки халқаро мажбурият эмас. У, аввало, инсон қадрини, оила фаровонлигини, маҳалла ободлигини ва мамлакат келажакни таъминлайдиган ҳаётий мезондир.

Ўзбекистон сўнгги йилларда БРМни миллий тараққиёт сиёсати билан уйғунлаштириш борасида муҳим институционал асос яратди. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси мамлакатнинг кейинги тараққиёт босқичини инсон салохияти, ижтимоий адолат, иқтисодий ўсиш, экологик барқарорлик ва халқ хизматидоғи давлат бошқаруви билан боғлайди. Бироқ бутунги босқичда энг муҳим савол қуйидагича қўйилиши керак: мазкур мақсадлар оддий одамлар ҳаётида қанчалик сезилипти?

Чунки тараққиётнинг ҳақиқий мезони фақат ялли ички маҳсулот ўсиши, рейтингдаги ўрин ёки қабул қилинган дастурлар сони билан ўлчанмайди. У одамларнинг кундулик ҳаётидаги ўзгариш билан баҳоланади.

Давоми 4-бетда



## ЧИН ГАПЛАР ЭЛНИ ТОТУВЛИККА ЧОРЛАЙДИ

“Янги Ўзбекистон” газетасининг шу йил 12 майдаги 95-сонида Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг “Риёсиз сўзлар” мақоласи эълон қилинди. Уни ўқир эканман, яқин тарихимиз кўз олдимда жонланиб, сўнгги йиллардаги ислохотлар кўламини, шиддатини юрак-юракдан ҳис этдим. Дилдан тилга кўчган чин гаплар элни тотувликка чорлашига амин бўлдим.

Давоми 2-бетда

# ЧИН ГАПЛАР ЭЛНИ ТОТУВЛИККА ЧОРЛАЙДИ

## Муносабат

Бошланиши 1-бетда

Ҳаммамиз кўриб, кузатиб турибмиз: ҳар бир соҳада юқори даражада янгилашиллар бўляпти. Касбим тақозоси билан юртва-юрт кезаман, мамлакатлар ўртасидаги фарқни, инсонлар ҳаётини, давлатларнинг кечаси билан бугунини қиёслашман. Ешим саксонга яқинлашиб қолди. Бундай пайтда одам табиий равишда ҳаётни таҳлил этавар экан-да. Хорижда юриб, ҳар гал Термизга қайтиб келганимда, тиббиёт масканлари дейсизми, барчасини кўриб кўзингиз қувнайди.

Ун йил аввал бошланган Ўзғаришлар сабаб бугунги обод, фаровон даврга етиб келдик. Масалан, Сурхондарёни олсак, йўллар дейсизми, тоза ичимлик сув дейсизми, таълим муассасалари, тиббиёт масканлари дейсизми, барчасини кўриб кўзингиз қувнайди.

Сурхондарёда сув таъминоти бўйича асрларга татигулик мегалойиҳалар йўлга қўйилди. Вилоят шимолидан жанубигача тоза ичимлик сув тортиб келинди. Бу лойиҳа иш бериб, сув кела бошлагачина, қилса бўлар экан, деган хулосага келдик. Чунки воҳаликлар учун “Тўпаланг” сув омборидан Термизгача сув олиб келиш ақлга сиғмас иш эди. Ҳозир вилоят маркази ва олис туманлар 200 километр масофадан тортиб келинган бўлоқ сувдан истеъмол қиляпти. Хасталиклар қаймамоқда.

Тиббиётда ҳам улкан ўзгаришлар бўлди. Жаҳон кезганман, биламан: бугун дунё стандартлари даражасидаги тиббий ускуналар нафақат вилоят марказида, балки туманларда ҳам бор. Денов туманида тиббиёт муассасаси раҳбари сифатида ишлаганму тўғрили яхши биламан: магнитли резонанс томография деган ускуна олиш учун ўн йил вилоят ва



Раҳмон МУҲАММАДИЕВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, тиббиёт фанлари доктори, профессор

республика соғлиқни сақлаш масъулари билан курашганман. Ололмаганман. Фалон пул туради, дейишган. Хўш, ўшанча пул инсоннинг саломатлигидан устун туради дейиш ҳам қийин эди, рост.

Одамлар юрак ва буйрак алмаштириш учун минглаб долларлик маблағини кўтариб, хорижга кетарди. Ҳозир эса Термиз шаҳрида очилган тиббиёт кластерида мураккаб турдаги жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли ўтказиляпти. Қувонарлиси, бундай жарроҳликни вилоятимизда 2018 йилда ташкил этилган Тошкент давлат тиббиёт университетининг Термиз филиалида тахсил олган биринчи қалдирғочлар — Сурхон элининг ёш

шифокорлари бажармоқда. Буларни кўриб, кўнглим тоғдек кўтарилади-да!

Рост гап, одамлар яхшиликка тез кўникади. Бир-икки бор “Бўларкан-ку!” деб қувонади-ю, кейин худди ҳаминча шундай бўлгандай ўтиб кетаверади. Дориламон кунлар қадрини билиш учун ўтган кунларни эслаб, бугун билан қиёслаб туриш керак. Очиги, бундай ислохотлар давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси билан бўляпти.

Узун туманида туғилганман. Иш билан туманимиздан ташқарига чиққан киши Сароисиёдаги “Тўпаланг” постида худди хорижга кетаётгандай (ҳозир хорижга чиқишда ҳам бунчалик текширилмайди!) каби бор-йўғини титкилаб кўрсатарди. Чурқ эта олмасдик. Ҳа, десангиз чегара олди худуд дея сал бўлмаса сиёсий жиноятчиға қариб қўйишарди. Халқаро муносабатларга келсак, ҳозир Термизда яшаб, бир оёғимиз қардош юртларда бўлиб қолди. Масалан, Тожикистон тиббиёт академияси илмий кенгаши аъзосиман, Ингизларда қатнашаман, улар қувонади, мен қувонаман. Ахир тарихимиз бир, тақдиримиз бир. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Ўзгаришларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Элимизнинг танти шoirи Усмон Азимнинг кўнглиг тубидан чиққан сўзлари юрагимизга етиб боришининг сири ҳам айнан шунда. Яъни уларнинг барчаси қалб кўридан чиққан ва ҳаётимизда катта ўзгаришлар ясаган ҳақиқат эканида!

# ҲАМЖИҲАТЛИК, БИРДАМЛИК ВА КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ

## Глобал муаммоларнинг оқилона ечими

Давлатимиз раҳбари 29-Евроосиё иқтисодий саммити иштирокчиларига мурожаат йўллади. У нафақат халқаро анжуман иштирокчиларига қаратилгани, балки янги Ўзбекистоннинг глобал жараёнлардаги ўрни ва стратегия қарашларини ифода этгани билан аҳамиятли бўлди. Зеро, мурожаатда бугун инсоният олдида турган энг долзарб масалалар, хусусан, глобал ҳамкорлик, экологик барқарорлик, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш каби муҳим йўналишлар қамраб олинган.



Анвар ТҲҲЧИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси

Мурожаат аввалида Евроосиё иқтисодий саммитининг халқаро мулоқот майдонини сифатидagi ўрни ва роли юксак баҳоланди. Ҳақиқатан, ўтган йилларда мазкур саммит етакчи сийосатчилар, ишбилармонлар ва экспертларни бир нуқтада бириштириб, долзарб масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашиш учун муҳим платформалардан бирига айланди.

Саммитнинг кўҳна Истанбул шаҳрида ўтказилганлиги эса алоҳида рамзий маънога эга. Асрлар давомида Европа ва Осиёни боғлаб келган ушбу шаҳар цивилизациялар чорраҳаси сифатида жаҳон тарихида муҳим ўрин тутди. Бугун ҳам Туркия ана шу тарихий миссияни замонавий шаклда давом эттирмоқда.

Мурожаатда замонавий Туркияда Президент Режеп Таййип Эрдоган илгари сураётган “Туркия асри” стратегик гоясига юқори баҳо берилди. Бу, аввало, Туркиянинг халқаро муносабатлардаги таъсири тора ортиб бораётгани, глобал муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этаётганининг самимий эътирофидир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Туркия муносабатлари кейинги йилларда мутлақо янги bosқичга кўтарилгани, бугун икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик кенг қамровли стратегик шериклик даражасига чиққани қайд этилди. Хусусан, савдо, инвестиция, sanoat, транспорт, туризм ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқалар изчил ривожланмоқда. Бу икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро ишончи, дўстлиги ва қатъий сиёсий иродаси натижасидир.

Экологик хавфсизлик масаласи ҳам мурожаатда алоҳида қайд этилган. Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, айни пайтда иқлим ўзгариши инсоният олдида турган энг долзарб глобал муаммолардан. Дунёда чўлланиш, сув танқислиги, тупроқ деградацияси ва ҳаво ифлосланиши каби экологик хавфлар тора кучайиб бораётгани айни ҳақиқат. Бу эса нафақат атроф-муҳит, балки иқтисодиёт, озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳоли саломатлигига ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Сўнгги пайтларда айнан Марказий Осиё иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини энг кучли ҳис этаётган минтақалардан. Ҳаво ҳароратининг ошиб бориши, музликларнинг қисқариши ва сув ресурсларининг қайишиш минтақа каби экологик хавфлар тора кучайиб бораётгани айни ҳақиқат. Бу эса нафақат атроф-муҳит, балки иқтисодиёт, озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳоли саломатлигига ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Орол денгизи фожиаси экологик инқирознинг энг оғир намунаси сифатида бугун дунё жамоатчилигини ташвишга солимоқда. Қуриб қолган денгиз тубидан кўтариладган туз ва чанг нафақат табиатга, балки инсон саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатаяпти. Бу эса экологик муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорлик қанчалик муҳим эканидан далolat.

Мамлакатимизда кейинги йилларда табиат муҳофазаси бўйича кўплаб амалий ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилди. Экология ва Орол билан боғлиқ

масалалар давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди. Хусусан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили 200 миллион туп дарахт ва бута кўчати экилатгани экологик мувозанатни сақлаш, ҳаво сифатини яхшилаш ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатишга сезиларли ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Мурожаатда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш масаласи кўтарилди, мамлакатимиз ривожланишининг “яшил” моделига изчил ўтаётгани таъкидланди. Хусусан, кейинги 10 йилда зарари чиқиндилар ҳажминини қисқартириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш ва энергия тежамкор технологияларни ривожлантириш бўйича мақсадли ишлар бажариб келинмоқда.

2035 йилга қадар зарарли чиқиндиларни 50 фоизгача қайтариш режаси мамлакатимизнинг экологик модернизация йўлидан қатъий бораётганини кўрсатади. Бу эса келгусида иқтисодий тараққиёт ва экологик барқарорлик ўртасида мувозанатни таъминлашга хизмат қилади.

Иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг ортиши ва табиий ресурсларга эҳтиёжнинг кучайиши сув танқислиги муаммосини ҳам тора долзарблаштирмоқда. Айниқса, Марказий Осиё мамлакатлари учун сув ресурсларини асраш ва улардан оқилона фойдаланиш ниҳоятда зарур. Давлатимиз раҳбарининг соҳани ривожлантиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлари бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Жумладан, Сув кодексининг қабул қилиниши мамлакатимизда сув муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун муҳим қадам бўлди. Ушбу ҳужжат билан сув бошқарувини тақомиллаштириш йўналишида қатор нормалар белгиланди. Мазкур кодекс юртимизда сув ресурсларини бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш, экологик барқарорлигини таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга замин ҳозирламоқда.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг саммит иштирокчиларига мурожаатидан бир жиҳатни аниқлаш мумкин: глобал муаммоларни фақат ва фақат ҳамжихатлик, бирдамликдаги сайй-ҳаракатлар, шунингдек, ўзаро ишонч ва конструктив мулоқот орқали ҳал этиш мумкин. Тора тараққий этиб, халқаро миқёсда ўз ўрни ва сўзига эга бўлиб бораётган янги Ўзбекистон эса бу йўлда халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликни изчил давом эттиришга тайёр.

## Янги Ўзбекистон руҳи

# ТУРКИЙ ДУНЁ — ЯҒОНА ИЛДИЗ, УМУМИЙ ТАРИХ

Инсон бошига мусибат тушганда, аввало, ака-укаси, қариндош-уруғлари, кўни-қўшнилариға маслаҳат солади. Илк ёрдам кўлини чўзганлар ҳам улар бўлади. Аммо кўни-қўшнингиз билан ўртангизда нифоқ девори қад ростлаган, қони бир қардошлар юз кўрмас бўлиб қолган бўлса-чи? Унда кенг дунёда ташвишингиз билан ёлғизланиб қолишингиз ҳеч гап эмас.

Халқимизда “Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас” деган нақл бор. Ростдан ҳам нафақат инсон, балки давлатлар ҳам ёлғизлиб қолса, тақдир таназзулга маҳкумдир. Ўзбекистон ҳам муайян давр шундай кунларни бошдан кечирди. Кўни-қўшнилари билан чегаралар ёпилиб, қардош мамлакатлар билан ҳамкорлик буткул узилиб қолганди.

Давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг илк кунларидан кўни давлатлар билан қўстлик-биродарлик, ўзаро манфаатли ҳамкорликни тиклашни бирламчи вазифа сифатида белгилади. Натияжада Ўзбекистон 2019 йилда ўша пайтдаги Туркий тили давлатлар кенгаши (ҳозирги Туркий давлатлар ташкилоти)га қўшилди.

Шунингдек, Туркия, Озарбайжон, Қирғизистон ва Қозғистон каби ташкилотга аъзо ҳамда Венгрия, Туркменистон сингари тили, менталитети, маданияти, тарихий илдизлари бир бўлган кузатуви давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш ва бу ҳар жиҳатдан фойда келтириди. Шу боис, Президентимиз ўтган йил 7 октябрда Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг Габола шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириб, ташкилотнинг нуфузи ва салоҳиятини янада оширишни тақдир этди.

“Бу борада Туркий давлатлар ўртасида стратегик шериклик, абадий дўстлик ва қардошлиқ тўғрисидаги битимни тезроқ келишиб, қабул қилиш тарафдоримиз. Албатта, бу муҳим битим ҳамкорлигимизни ривожлантириш йўлида

## Марказий Осиё катта геосиёсий куч

Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида иш бошлагандаёқ эътиборини кўшни мамлакатлар билан узоқ йиллардан буён давом этиб келатган совоқ муносабатларга барҳам беришга қаратди. Аслида, Марказий Осиё халқлари кўп йиллик қардошлик алоқалари билан боғланган, таъбир жоиз бўлса, азалдан бир дарёдан сув ичган, қадриятлари, урф-одати бир-бирига яқин. Қўда-анда, қариндошлик муносабатлари асрлар давомида шаклланди. Аммо ўтган асрнинг дастлабки йилларида ушбу давлатлар ўртасига нифоқ уруғи сепилди. Натияжада азалий яқинлик, яхши қўшничлик муносабатларига пугур етди.

Кейинги йилларда Президентимизнинг кучли сиёсий иродаси, оқилона ташаббуслари ҳамда кўшни мамлакат раҳбарларининг хайрихошлиги, эзгу тақдирларни қўллаб-қувватлаш билан минтақада дўстлик, биродарлик занжири маҳкам боғланди. Худудда тинчлик-тотувлик, яхши қўшничлик муносабатлари тикланди. Ўтган йили баҳорда уч мамлакат: Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида уч мамлакатнинг давлат чегаралари туташган нуқта худуди тўғрисидаги шартнома имзоланди. Минтақанин чегаралар туташган нуқтада қад ростлаган “Дўстлик” стеласи мамлакатларимизнинг абадий дўстлик ва худудий тинчлик-тотувлик рамзига айланди.

Ўзбекистон, Қозғистон ва Туркменистон чегараларининг туташ худуди тўғрисидаги шартнома эса бир оз аввал имзоланган эди. Бугун Марказий Осиёдаги чегаравий муносабатлар буткул истиқболли ечим топди дейиш мумкин. Илгари ўз муаммоларига ўралашиб қолган минтақа давлатлари бир мушт каби жиқлашиб, фақат тараққиёт сари дадил илдамляпти. Бу эса бугун дунё ниҳонини минтақамизга қаратиб, муҳим ҳалқа масалаларда ҳисоблашишга мажбур қилади. Халқаро минбарларда давлатларимиз овози бугун бир минтақани тамсил этиб, янада залворли, аҳамиятли бўлишини таъминлайди.

Жаҳон аллақачон Марказий Осиёни катта бир куч, ажралмас геосиёсий худуд сифатида

## Қардошлик ва биродарлик руҳи

2021 йил 31 мартда Туркий давлатлар ташкилотининг видеоконференция шаклида норасмий саммити бўлиб ўтди. Ўша кезларда Озарбайжон кўплаб қийинчиликлардан сўнг Тоғли Қорабоғ худудини қайтариб олганди. Анжумандаги нутқида Президентимиз бу борада Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев ва Озарбайжон халқини тарихий адолатни тиклаш йўлидаги ғалабаси билан қўтлаб, Ўзбекистон Тоғли Қорабоғ заминидagi кўҳна обидалар, маданият ва маърифат масканларини тиклашга ҳисса қўшишга тайёр эканини билдирган эди.

Қадимий Қорабоғ замини ўтган 30 йиллик уруш давридага вайронга айланганди. Ўша худудда жойлашган Фузулий шаҳри маданий ёдгорликлари, уй-жойлар вайрон этилгани тўғрйли маҳаллий аҳоли бошқа худудларга кўчиб кетишга мажбур бўлганди. Аммо кенг кўламада бошланган шаҳарни қайта тиклаш ишлари натижасида у ер бугун обод масканга айланган. Албатта, бунда Ўзбекистоннинг ҳам ҳиссаси бор.

Жумладан, давлатимиз ташаббуси билан ушбу шаҳарда буюк ўзбек олими Мирзо Улуғбек номидаги мактаб қурилди. 2023 йил 18 август куни икки мамлакат Президентлари иштирокида тантанали очилган мактабда дастлаб 128 ўқувчи таълим ола бошлаган бўлса, бугун уларнинг сони 600 дан ошди.

Ўтган йили Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Ўзбекистонда бўлиб ўтган еттинчи маслаҳат учрашуви олдидан Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев интервьоларидан бирида Фузулий шаҳрида Ўзбекистон кўмаги билан бунёд этилган Мирзо Улуғбек номидаги мактаб учун миннатдорлик билдирди. Шунингдек, муҳим бир фактни: Ўзбекистон Қорабоғ худудини тиклашда ёрдам кўрсатиш ташаббуси билан чиққан биринчи мамлакат эканини ёдга олди.

Тинчликни таъминлаш учун, энг аввало, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани яхшилаш, одамлар яшаш ишончи, эртанги кунига ишончини таъминлаш керак. Ўзбекистон дунё тинчлиги йўлида қўлидан келган барча ишни бажарётган, тинчлик ва фаровон ҳаёт йўлида собит бораётган мамлакатлардан.

## Туркияда “Ўзбекистон” массиви

2023 йил 6 февраль куни Туркияда содир бўлган талафотли зилзила ўзбек халқини ҳам чуқур қайғуга солди. Табиий офат тўғрйли қардошларимиз ўлкасида кўплаб одам ҳалок бўлди, йирик шаҳарлар вайронга айланди. Ўзбекистон ва ўзбек халқи ҳам қардошларимизга иқтисодий-ижтимоий ва руҳий мадад берди.

Давлатимиз раҳбари топириғи билан қардош ўлкага кутқарувчилар ва инсонпарварлик ёрдами биринчилардан бўлиб юборилди. Қисқа муддатда ўзбекистонлик 100 кутқарувчи ва 70 нафар тиббиёт ходими фалокат содир бўлган худудга етиб борди. Қидирув-қутқарув ишлари натижасида 18 киши қутқарилди, 200 га яқин жабрланувчи вайроналар остидан олиб чиқилди. Дала шифохонасида 4000 кишига тиббий ёрдам кўрсатилди. Ҳатай вилоятининг Арсуз туманида 308 та замонавий турар жой биноси барпо этилди. “Ўзбекистон” турар жой мажмуаси жабрланган аҳоли учун қурилган илк бинолардан бўлди.

Кейинги йилларда бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Жумладан, 2024 йил март-апрель ойларида Қозғистонда талафотли сув тошқини рўй бергани сабабли Президентимизнинг топириғига мувофиқ сув тошқинидан зарар кўрган аҳолига инсонпарварлик ёрдами юборилгани ҳам сўзимизни исботлайди.

Келтирилган фактлардан ҳам туркий давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик шунчаки манфаатли шериклик даражасидан анча юқори эканини билиш қийин эмас. Бониси, юқорида қайд этганимиздек, ушбу халқларнинг минг йиллик қадрий, қадим қариндошлик илдизлари боғлаб турибди.

Президентимиз 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан пойтахтимиздаги Габола боғига ташриф чоғида бунга алоҳида тўхтади: “Бугун яқин-атрофимиздаги минтақаларда бўлаётган қарама-қаршилиқ ва уруш-жанжалларни кўриб турибмиз. Мана шундай мураккаб вазиятда миллий бирлик ва ҳамжихатликни сақлаш — энг катта куч, энг катта бойлик эканини ҳаётнинг ўзи яна бир бор тасдиқламоқда...”

Шубҳасиз, бугунги таҳликали замонда туркий халқларнинг бирлиши ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Зеро, қадим тарихий илдизларимизнинг бирлиги келгуси тараққиётимизнинг ҳам муштараклигидан далolat беради. Сўзимизни Билга хоқоннинг қуйидаги дъвати билан яқинлаштириш жоиз топдик: “Эй туркий элим, ўзингизга қайт, ўзингни англа — янада юксалгайсан!”

Санжар ЭШМУРДОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



“Давлатимиз раҳбари топириғи билан қардош ўлкага кутқарувчилар ва инсонпарварлик ёрдами биринчилардан бўлиб юборилди. Қисқа муддатда ўзбекистонлик 100 кутқарувчи ва 70 нафар тиббиёт ходими фалокат содир бўлган худудга етиб борди. Қидирув-қутқарув ишлари натижасида 18 киши қутқарилди, 200 га яқин жабрланувчи вайроналар остидан олиб чиқилди. Дала шифохонасида 4000 кишига тиббий ёрдам кўрсатилди. Ҳатай вилоятининг Арсуз туманида 308 та замонавий турар жой биноси барпо этилди. “Ўзбекистон” турар жой мажмуаси жабрланган аҳоли учун қурилган илк бинолардан бўлди.

асосий сиёсий ҳужжат сифатида қардош халқларимизни янада яқинлаштириш, амалий алоқаларни янги bosқичга олиб чиқишда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади”, деганди мамлакатимиз етакчиси.

Ташкилот доирасида мамлакатлар турли йўналишларда бир-бирини қўллаб-қувватлаб, ўзаро манфаатли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. ТДТ доирасида 40 га яқин йўналишда амалий ҳамкорлик қилинмоқда. Ўзаро савдо ҳажми барқарор ошиб борапти ва 2030 йилда икки баробар кўпайиши кутилмоқда.

Шу йил 15 май куни Қозғистонда Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммити бўлиб ўтиши кутиляпти. Нуфузли анжуман ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликка янги сурат бағишлаш шубҳасиз.

Ташкилот фаолиятининг кучайиши, давлатларнинг эркин ва қўлай савдо-сотиқ ва бошқа лойиҳаларни амалга оширишда Марказий Осиё минтақасида дўстлик, биродарлик, тинчлик ва ҳамжихатликнинг барқарорлиги таъминлангани жуда муҳим ўрин тутди.

Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

БИЗ ЙЎЛГА ЧИҚДИК!



Абдухалил МАВРУЛОВ, тарих фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бета

Ҳа, бутун дунёдаги вазият барчадан тинчлик, хотиржамлик, эзгулик йўлида бирлашишни, ўз миллий тараққиётини, келажagini уйлаган ҳар бир миллат ва мамлакат тезроқ, аниқроқ ҳаракат қилишни, бу йўлда миллий бирликка кўпроқ эътибор беришни талаб қилмоқда.

Анжуманда ана шу фикрлар янада баландроқ янгради. Зиёлиларимиз, маънавий-маърифий соҳа тарғиботчилари миллий мустақиллигимизнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий, гоъий-мафқуравий пойдеворини янада мустаҳкамлаш учун умуммиллий бирлашув зарурлигини эътибор қаратди.

Бунинг учун эса кейинги йилларда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини янада ошириш йўлидаги туб ислохотлар мазмун-моҳиятини жамият аъзолари онгига кенгроқ синдириш, кишиларда шукроналик кайфиятини шакллантириш жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Тўйга тўёна билан

Халқимиз минг йиллар давомидаги тараққиёти босқичида қанчадан қанча кадрятлар яратмади дейсиз. Жаҳоннинг турли миллат ва эллатари бу кадрятларимиз, урф-одатларимиз, аъёнларимизни кўриб ҳайратга тушгани ҳам рост.

Ана шу кадрятлар орасида тўйларимиз алоҳида аҳамият касб этади. Бу одатда тўйга диққат ва синчковлик билан муносабатда бўламиз. Уй-жойларимизни саранжом-саришта қиламиз, ҳамма жойни тозалаб, тартибга келтирамиз, келадиган меҳмонларга чин дилдан, юракдан хизмат қиламиз.

Юқорида тилга олинган қарорда мамлакатимизнинг барча туман-шаҳарларини қишлоқ-овулларида илм-фан, таълим, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, спортчилар, жамоатчилик вакилларида иборат бадий-ижодий гуруҳлар тузиш ва улар иштирокида кенг кўламдаги маънавий-маърифий тадбирлар ва ижтимоий лойиҳаларни ўз ичига олган “Мустақиллик тўйи” тадбирларини ўтказиш вазифаси белгиланди.

Дарҳақиқат, бундай тадбирлар ва ижтимоий лойиҳаларнинг мустақиллик тўйи сифатида нишонланшига аҳд қилиниши халқимизнинг дилдаги иш бўлди. Гап шундаки, халқимиз бундай тўйни нишонлашга ҳақли. Чунки кейинги йилларда кенг кўламда ислохотлар, эриштирилган ютуқлар, шунингдек, ватандошларимизнинг бутунги кундан розилиги тўй қилишга арзийдиган воқеалардир.

Келинг, фикримизнинг далили тарзида баъзи мисолларга мурожаат қилайлик. Яқинда Президентимиз жорий йил биринчи чорагида ҳудуд ва тармоқларда иқтисодий ўсиш таҳлили ҳамда йил якунига қадар устувор вазифалар юзасидан ўтказган йиғилишида мазкур давр мубайнида ялпи ички маҳсулот 8,7 фоиз, саноат соҳаси 8 фоиз, хизмат кўрсатиши 16,1 фоиз, қишлоқ хўжалиги 5,1 фоиз ўсгани қайд этилди. Экспорт ҳажми 5,8 миллиард доллар, хоржий инвестициялар фикрни айтди: “Тан олимшиз керак, бутун зиёлиларимиз томонидан олиб борилаётган ишлар, ижод жаҳҳасидаги фаолиятимиз ишлаб чиқариш соҳасидаги ютуқлар даражасида бўлмапти. Орамизда ўнлаб, юзлаб давр қаҳрамонлари бўлса-да, биз уларни топа олмаганимиз, улар ҳақида бор гапни айта олмаганимиз. Майда маънавий мавзуларда ижод қилишдан қутула олмаганимиз”, деди у. Ҳақ гап.

Ўзбекистон кино арбоблари ижодий уюшмаси ранси, таниқли санъаткор Мағқуб Матчонов бутунги кунда ўзбек санъаткорлари томонидан миллий истиқлолимиз, халқимизнинг қандай қийинчиликларни енган ҳолда озоликка эришганини тарангун эътибордан 25 дан ортиқ фильм яратилгани, булар кино санъати ходимларининг мустақиллик тўйига муносиб тўёна экини таъкидлаган ҳолда,

Шу ўринда юртимизнинг барча вилоятлари учун хос бўлган яна бир мисолни келтирайлик. Авваллари Фарғона вилояти даромадининг 70 фоизи нефть, кимё ва қурилиш материаллари соҳасидаги 6-7 та йирик корхона ҳисобига шаклланди. Кейинги йилларда вилоятда 8 миллиард 200 миллион доллар инвестиция эвазига 8 мингта замонавий қувват ишга тушди. Тадбиркорлик учун 100 триллион сўм ресурс берилди, 13 минг кичик ва ўрта корхона ташкил этилиб, уларнинг сони 2 карра ўсди. Асосийси, сўнгги 4 йилда ишсизлик 9,2 фоиздан 4,6 фоизга, камбағаллик даражаси 11,6 фоиздан 5,2 фоизга тушди. Нима, булар тўйга тўёна эмасми?!

Ўш, юртимизга, хонадонларимизга тўй қачон ярашади? Қачонки даромадимиз кўпайиб, дастурхонларимиз тўкин-сочин бўлса, келган меҳмонларимизни муносиб кутиб оласакки кўнлимиз тўқ, дилимиз равшан, кайфиятимиз чог бўлади. Буларнинг бари халқимизда эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлайди, жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиради.

Ҳали бу борада бажарадиган ишлар кўпчилиги қайд этди. “Ўзбек киноси айнан кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги йўлига чиқиб олди, — деди у. — Киномиз моддий таъминоти тобора мустаҳкамланиб борапти, кино санъати давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Бироқ биз ҳали мамлакатимиз етакчиси, халқимиз томонидан қўйилаётган юксак талаблар даражасида ишлаётганимиз йўқ. Айниқса, сўнгги йиллардаги ислохотлар мазмун-моҳиятини жозибдор кино санъати орқали кенгроқ тарғиб қилсакки биз тўйга муносиб тўёна билан борган бўламиз”.

Минг афсуски, орамиздаги айрим одамлар кўриб қўрмаганликка, эшитиб эшитмаганликка, сезиб сезмаганликка олади. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг баъзи консерватив тарзда фикрловчилар ҳақида

Англамаганга англишти керак(ми)?

Бугун янги Ўзбекистон жамиятида миллий бирлик тобора мустаҳкамланмоқда. Ҳар бир фуқаро миллат ва мамлакат олдидаги масъулиятини сезмоқда. Бундан атиги тўққиз-ўн йиллар олдин жамият ва мамлакат ҳаётидаги баъзи ноҳақликлар — моддий таъминотдаги қийинчиликлар, иш билан таъминлаш, таълим, уй-жой билан боғлиқ масалалардаги эътиборсизликлардан норози бўлганлар жим туришга, юришга мажбур эди. Ҳозир эса бундай муаммоларни очик айтишдан “ийнанадан”лар сони тобора камайиб бормоқда.



Миллий мустақиллигимиз арафасида “Биз йўлга чиқдик!” дея катта тўйга олгангиз эиелларимизнинг эришган ва эришаётган ютуқларимизга шубҳа билан қараётганларга айтадиган ўз сўзлари бор. Юртимизнинг тобора тараққиётга эришган, жаҳон ҳам-жамиятида муносиб ўрин эгаллаётгани, бу нафақат халқимиз, балки талабчан халқаро экспертлар фузулалари ила тан олинаётгани исбот қилинмайдиган ҳақиқатлар. Бундай ютуқларимиз сабабини аниқлаш ҳар бир кишининг виждон амрига ҳавола.

Эй илм-маърифат, нурлар бирлашинг, Юрагида олови борлар бирлашинг, Эй Ватан тарихини битаётганлар — Алломи замон, пиллар бирлашинг, Бирлашсанг, эл деган ёруз бахтидиримиз, Ягона Ватанимиз, битта халқдиримиз!

Биринчидан, биз янги Ўзбекистон, Учинчи Ренессанс асосларини қуришни ўз олдимизга муҳим вазифа сифатида танлаб олганмиз. Тарғиботчи эса ана шу стратегик вазифанинг туб моҳиятини англамас экан, ишларимиз самарасиз бўлиб қолаверади. Бунинг учун эса тарғиботчи барпо этаётган давлатимиз суверен, ҳуқуқий, демократик, ижтимоий ва дунёвийлик тамойиллари асосида қурилаётганини, мазкур масала конституциявий моҳиятга эгаллигини билиши лозим.

Тарғиботчи ким?

Бугунги глобал ўзгаришлар, дунёнинг шиддат билан ривожланиб бориши, маънавий таназзул кучайиши, жаҳолат, умумий маънавий туфайли орамизда турли таҳдидлар олдида довраб қолувчилик, бузғунчи гояларга алданиб, уларга ишонувчилар ҳам борлигини асло унутиб бўлмайди. Мамлакатимиз етакчиси шундай эъзади: “...Биз ҳозирги кескин шароитда гоъий-мафқуравий соҳада рақобатга тайёрми? Еш авлодимиз тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб берадими?”.

Шубҳа саволга жавобни ҳам давлатимиз раҳбарининг ўзи беради: “Ҳаёт янгица фикрлаш ва ишлаш, миллий “ақл марказлари” мизни шакллантиришни талаб этмоқда. Лекин, афсуски, дунёда, ён-атрофимизда кечаётган сиёсий-ижтимоий жараёмлари чуқур тушуниб, таъсирчан ва оммабоп шаклда етказиб бераётган таҳлилчи ва экспертларимиз жуда кам. Тарғиботнинг илмий асосланган замонавий технологиялари ва янги шакллари, таҳдидларга қарши самарали кураш усуллари ишлаб чиқадиган вақт келди, деб ҳисоблайман”, дейди.

Ана шу вазифаларни адо этиш мақсадида мамлакатимиз етакчиси ташаббуси билан Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузурда “Маърифат” тарғиботчи жамияти таъсис этилишини бу борадаги энг самарали ишлар сифатида қабул қилиш мумкин.

Ушбу жамият раҳбари Бахтиёр Хусановнинг таъкидлашича, бугунги кунда барча ҳудудларда жамоатчилик асосида тарғиботчилар гуруҳлари ташкил этилди, уларга мазкур ҳудуддаги энг билимли, виждони пок, одамлар орасида муайян инсоний ва ижтимоий нуфузга эга бўлган 1500 дан ортиқ олим, зиёли қабул қилинди. Уларнинг меҳнати муносиб тарзда тақдирланиб бормоқда. Ҳеч шубҳасиз, бу ишлар самарасини бермоқда.

Бироқ юқорида таъкидланганидек, бугун дунёдаги жиддий ўзгаришлар, айрим мамлакатлар, минтақалар ўртасидаги ўзаро манфаатлар учун курашлар, гоъий-мафқуравий таҳдидлар жамият аъзоларидан юксак маънавият, кучли эътиқод, сиёсий саводхонликни талаб қилмоқда. Шу нуқтдан назардан, ҳозирги тарғиботчининг ижтимоий-маънавий кифасидаги муҳим жиҳатлар қуйидагилардан иборат бўлиши керак деб ўйлаймиз.

Биринчидан, биз янги Ўзбекистон, Учинчи Ренессанс асосларини қуришни ўз олдимизга муҳим вазифа сифатида танлаб олганмиз. Тарғиботчи эса ана шу стратегик вазифанинг туб моҳиятини англамас экан, ишларимиз самарасиз бўлиб қолаверади. Бунинг учун эса тарғиботчи барпо этаётган давлатимиз суверен, ҳуқуқий, демократик, ижтимоий ва дунёвийлик тамойиллари асосида қурилаётганини, мазкур масала конституциявий моҳиятга эгаллигини билиши лозим.

Инсон манфаатлари ҳар нарсадан устуворлиги, унинг ҳимояси давлат томонидан қамқолатилгани — буларнинг бари барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг муҳим шарти эканини оддий мисоллар, тадбир ўтаётган ҳудуддаги ислохотлар, ўзгаришлар мисолида тушунтириш ўзининг самарасини беради, албатта.

Шу ўринда бугунги янги Ўзбекистонда “Инсон — жамият — давлат” тамойили ҳаётга жадал жорий этилаётгани, инсон ҳуқуқлари қафолатларига онд нормалар сони 3,5 баробар ошиб, 40 дан ортиқ янги конституциявий ҳуқуқ муҳраб қўйилганини тарғиб қилиш жамият соғломлигини таъминлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига эришишда алоҳида ўрин тутайди.

Иккинчидан, тарғиботчи фаолиятининг самараси кўп жиҳатдан тадбир иштирокчиларининг билим савияси, салоҳиятига боғлиқ. Тарғиботчи сифатида ўзимиз ҳам кўп жойларда, узоқ қишлоқлар овулларда, турли шароитларда бўлишга тўғри келадимиз. Баъзан аудиториянинг хусусиятларини эътиборга олмаслик, билдирилаётган фикрнинг ўта “академик” тарзда баён этилиши, ҳудудий ўзига хосликларнинг назар-писанд қилинмаслиги одамларда ҳақли равишда норозиликлар келтириб чиқаргани гоъвоҳи бўлганмиз.

Шу маънода, ҳар қандай тадбирда ҳудуднинг анжуман иштирокчилари ижтимоий кайфиятини аниқлашдан туриб, “ваъхонлик” қилиш асло ярамайди. Мактаб ўқувчиси, олий таълим талабалари олдида сўзланган сўз, билдириладиган фикр қишлоқ ва овуллардан отахон ва онахонларга ҳар доим ҳам тушунарли бўлавермайди. Бу, назаримда, тарғиботчининг “олтин қонда” снга айланиши керак. Тарғиботчи ҳар бир тадбир жуда катта масъулиятни талаб этиши, ўзи эса жиддий иштиҳондан ўтаётганини асло ёдан чинариши мумкин эмас. Энг муҳим, тарғиботчи ўзининг гапига ўзи ишониши, уни тафаккур ила идрок этиши лозим.

Маърузачининг ўзи гапирётган гапга ишонмаслиги унинг эътиқодсизлиги белгисидир. Ҳар ишонмаган гап билан биронинг калбига кўриш, унда воқеа-ҳодисаларга ишонч уйғотиш мумкин эмас. Тарғиботчининг вазифаси инсонни тафаккур қилишга ундаш, унда нарсани ҳодисанинг моҳиятини тушунишга рағбат беришдан иборат бўлиши лозим.

Учинчидан, ҳар қандай тарғиботчининг муваффақияти, аввало, унинг сўз айтиш санъати, нутқ маданияти, одамларни ишонтира олиш қобилиятига боғлиқ. Пала-партиш сўзлаш, мантисиз гапирш одамларда бу тадбирдан беши хиссини уйғотайди. Масала моҳиятини тушунтиришда ҳаддан ташқари узоқ сўзлаш, мазкур масалага алоқаси бўлмаган ҳолатларни “қалаштириб ташлаш” асло одамлар томонидан хурсандчилик билан қабул қилинмайди.

“Маънили сўз — қисқа сўз” лигини унуттиш мумкин эмас. Бунинг учун тарғиботчининг сўз бойлиги кўп бўлиши лозим. Зеро, кишида сўз бойлиги қанчалик кўп бўлса, одам

тилни қанчалик чуқур билса, унинг ички дунёси шунчалик бой бўлади. Фикр билдирувчи ўзининг “билгонлиги”ни билдириш учун қандайдир янги сўзларни топишга ҳаракат қилиши, хоржий атамалардан фойдаланишга уриниши унинг салоҳиятини англамайди. Аксинча, биз қанчалар даражада оддий халқ тилида гапласак, фикримизни аниқ тарзда баён этсак, тарғиботимиз шунчалар тушунарли бўлади.

Тарғиботчи сўзининг қудрати шу даражада баландки, у тингловчи кўнглига ором бериш, қалбини ром қилиш, руҳиятини ўзгартириш, эътиқодини мустаҳкамлаш кучига эга. “Сен, — дейди буюк мутафаккирлардан бири Хожа Самандар Термизий, — синов тоши билан текширилган ҳаёлингизда ҳар қандай қимматбахо танга — сўзинг чуқур, юксак маънога эга эканига қатъий ишонч ҳосил қилишинг учун, яна бир марта тажрибадан — маҳак тоши имтиҳонидан ўтказганидан кейингина баён бозорига олиб чиқ”.

Тўртинчидан, тарғиботчи аниқ манбалар, ишончли, тингловчида шубҳа уйғотмайдиган далиллар асосида сўхбат қуриши зарур. Бунинг учун эса у астойдил тайёргарлик кўриши, далил, маълумотларни қайта-қайта текшириши, унинг ишонарлик даражасини белгилаб олиши лозим бўлади. Ҳато, ёлгон мисоллар кишида нафақат тарғиботчига, айни пайтда давлат, унинг ташкилотлари, раҳбариятга нисбатан ҳам норозилик кайфияти шаклланишига сабаб бўлиши мумкин.

Бугун турли ижтимоий тармоқларда, интернетда ранг-баранг маълумотлар, одамлар ҳайратга соладиган далил, рақамлар учирапти. Афсуски, уларнинг муайян қисми фейк — асосланмаган, ёлгон маълумотлардан иборат. Шу ўринда тарғиботчининг вазифаси “маълумотлар дунёси” да адашиб юрган, у ёки бу масалада ишонари, қатъий маълумотга эга бўлмаганларни тўғри йўлга солишдир. Бу жуда мураккаб ва қийин иш, албатта.

Тарғиботчи ўз фаолиятида, назаримизда, кўпроқ далиллар, маълумотлар, рақамларни солиштириш усулидан кенгроқ фойдаланиши зарур. Масалан, собик совет тузумининг энг манфур жиҳатларидан бири одамларда камбағалларварлик сифатларини шакллантириш эди. Бугун эса юртимиздаги энг долзарб вазифалардан бири халқимизни камбағалликдан чиқариш бўлмоқда.

Президентимиз “Халқимизда “Касалини яширсанг, истимаси ошқор қилади”, деган доно мақол бор. Биз ана йиллар ана шу ҳикматни унутиб, “Ўзбекистонда ҳамма бирдай тўқис ва фаровон яшайпти”, деган гапга ишониб яшайди. Бошқаларни ҳам шунга ишонтиришга уриндик. Аммо ойна этак билан ёпиб бўлмайди. Бутун дунё юртимиздаги ахволини кўриб-билиб турибди. Афсуски, вақтида тегишли чоралар қўрилганини оқибатида бу муаммо анча чуқурлашиб кетди.

Ортиқ бундай яшаб бўлмас эди. Биз аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик мавжудлигини биринчи марта очик тан олдик ва ёрдамга муҳтож кишиларни ижтимоий адолат тамойили асосида қўлаб-қувватлаш ва камбағалликни бартараф этишни давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди”, дейди.

Тарғиботчи ана шундай ишонарли далилларга суянгандагина ютуққа эришиши мумкин. Бешинчидан, агар тарғиботчи тадбирларда ўзини ҳаддан ташқари расмий тутагани бўлса, билингики, бу ҳам умумий ҳолатга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Далил, рақам, маълумотларни қалаштириб ташлаш, уларнинг изоҳига беътиборлик тингловчинини чарчатади, зериктиради. Шунинг учун тадбирларда ўзбек халқ ижодидан намуналар, ўрни келганда, мақоллар, турли ривоятлардан мисоллар келтириш ҳам тингловчи эътибори кучайишига олиб келади.

Юқорида билдирилган фикрларни ўқиб туриб, айримлар “Биз демократик жамиятда яшаётган бўлсак, ўз йўлини ўзимиз топа олиш имконияти яратилган бўлса, тарғиботчилик керакми?” каби иддаолар қилиши табиий ҳол. Бироқ унуттиш асло мумкин эмаски, биз қандай йўлни бошида турибмиз. Бу йўлда ҳали адашишимиз, чалғишимиз, турли ички ва ташқи “дўстларимиз” эса айтаб бизни “ўз йўлларига” солишга уринишлари мумкин. Бу нарса бугун ҳам ҳар қадамда учрамоқда.

Баъзи фуқароларимиздаги маънавий мудроқлик, улар тафаккурдаги оқиллик, ижтимоий-сиёсий, мафқуравий масалаларни таҳлил қилишдаги нуноқлик каби ҳолатларнинг олдини олиш биз учун бугун долзарб масалага айланган.

Бугун мустақиллик байрами, тўйи арафасида турибмиз. Тўйга тўёна билан бориш миллий қадриятимизга айланган. Бу тўйнинг қанчалар сермазмун ўтишига, кишилар кайфиятини янада оширишга, барчада шукроналик руҳиятини шакллантиришга миллий зиёлиларимиз, тарғиботчиларимизнинг ўрни беқоёр. Шунинг учун ҳам зиёлиларимиз — шонур ёзувчиларимиз, олимларимиз, маданият ва санъат ходимлари янгидан янги асарлар, ихтиролар билан йўлга чиқди. Хуллас, биз йўлга чиқдик!

# БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ — ҲИСОБОТЛАРДА ЭМАС, ХАЛҚ ТУРМУШИДА АКС ЭТАЁТГАН ҲАЁТИЙ МЕЗОН

## Бошланиши 1-бетда

Президентимизнинг ўтган йили Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида мамлакат иқтисодий ўсиши, инфратузилма ривож ва аҳоли турмуш шартлари билан боғлиқ муҳим натижалар қайд этилди. Жумладан, электр энергияси ишлаб чиқариш 85 миллиард киловатт-соатга етгани, 715 минг аҳоли хонадонига биринчи марта тоза ичимлик сув етиб бургани, яна 2,3 миллион аҳоли учун сув таъминоти яхшилангани таъкидланди. Шунингдек, камбағаллик даражаси йил бошидаги 8,9 фоиздан 5,8 фоизга тушгани маълум қилинди.

Бу рақамлар, шубҳасиз, катта ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Лекин БРМ нуктаи назаридан яна бир савол муҳим: бу натижалар барча ҳудудлар, барча маҳаллалар ва ижтимоий гуруҳлар ҳаётида бирдек сезилгандими? Агар республика бўйича ўртача кўрсаткич яхши бўлса-ю, айрим чекка маҳаллада сув таъминоти сақланса, шаҳарда янги йил қурилуши, бошқа ҳудудларда ёшлар барқарор иш топишда қийинласа, умумий таълим қамрови ошса-ю, айрим мактабларда сифат муаммоси қолса, демак БРМни амалга оширишнинг наватдаги босқичи ҳали олдинда.

Бошқача айтганда, Ўзбекистон учун бугунги вазифа катта стратегияларни маҳалла, оила ва инсон ҳаётига янада чуқурроқ туширишди.

## Ёрдандан доимий даромадга ўтиш зарур

Камбағалликни қисқартириш Ўзбекистонда кейинги йилларда давлат сисбатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Зеро, барқарор тараққиётнинг энг муҳим шартининг умумий таъминоти турмуш кечириши, барқарор даромадга эга бўлиши ва ҳаётда ўз имкониятини рўёбга чиқара олишидир.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2024-2025 йилларда Ўзбекистонда аҳоли даромадлари ўсиши, айниқса, паст даромадли қатламлар учун ижобий таъсир кўрсатган. Натижада камбағаллик даражаси 8,9 фоиздан 5,8 фоизга тушган, аҳоли даромадлари ўрта-сиддаги тафовут ҳам бир оз қисқарган.

Бу ижобий натижа энди мустаҳкамлаш керак. Камбағал оилага нафақа ёки бир мар-таллик ёрдан олиш зарур, аммо ундан ҳам муҳимроғи шу оиланинг барқарор даромад манбаига эга бўлишидир. Бунинг учун ҳар бир камбағал оила бўйича “даромад харитаси” ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ: ким қасб ўрганган, ким ишга жойлашган, ким микробизнес бошлади, кимга ижтимоий хизмат керак, кимни кооперацияга улаш мумкин — булар қозғоғда эмас, маҳалла даражасида аниқ кўриниши лозим.

Камбағалликни қисқартиришнинг кейинги босқичи “ижтимоий ёрдан”дан “иқтисодий фаоллик”ка ўтиш билан боғлиқ. Яъни ёрдан олвчи оила аста-секин ўз даромади, касби, бизнеси ёки меҳнат бозоридagi ўрни орқали мустақилликка чиқиши лозим. Бу БРМнинг ҳақиқий натижаси бўлади.

## Қамровдан сифатга кўчиш вақти келди

Таълим БРМнинг энг муҳим йўналишларидан бири. Чунки сифатли таълим бўлмаса, камбағалликни қисқартириш ҳам, инновацияларни қўллаш ҳам, муносиб иш ўринларини яратиш ҳам қийин.

Ўзбекистонда мактабгача таълим, умумий ўрта таълим ва олий таълим қамровини кенгайтириш бўйича катта ишлар қилинди. Лекин кейинги босқичда асосий уруғ қамровдан сифатга кўчиши керак. Болалар мактабга



бояртгани бу — биринчи савол. Аммо ундан ҳам муҳим савол бор: бола мактабда нимани ўрганипти?

Битирувчи мустақил фикрлай оладими? Рақамли кўникмаларга эгами? Меҳнат бозорига ўз ўрнини топа оладими? Қасб танлашга тайёрми? Олий таълим ёки касб-хунар тизими уни реал иқтисодиётга боғлай оладими?

Шунинг учун ҳар бир ҳудудда таълим натижалари маҳаллий иқтисодиёт эҳтиёжлари билан боғлиқлиги керак. Қайси туманда агро қайта ишлаш ривожланмоқда, қайси ҳудудда туризм, қайси жойда саноат, қайси шаҳарда хизмат кўрсатиш ва рақамли иқтисодиёт ўс-моқда — таълим ва касбга тайёрлаш дастурлари шу эҳтиёжларга мослашиши лозим.

Сифатли таълимнинг ҳақиқий мезони фақат мактаблар сонини ёки қамров даражаси билан ўлчанмайди. У, аввало, боланинг билими, ўқитувчининг салоҳияти, мактаб муҳити, касбий йўналтириш, рақамли имкониятлар ва битирувчининг мустақил ҳаётга тайёрлигида намоён бўлади.

## Соғлиқни сақлашда ҳал қилувчи бўгин

Фуқаро учун соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохот, аввало, ўз маҳалласида, ўзи қатнайдиган поликлиникасида сезилади. Йирик тиббиёт марказлари, замонавий ускуналар ва ихтисослашган клиникалар муҳим. Лекин оддий одам учун энг биринчи савол бошқача: у шифокор қабулига ўз вақтида кира оладими? Дори топиладими? Таҳлил топишириши осонми? Боласига профилактик ёрдан борми? Кекса ота-онасига тиббий хизмат етиб бораётганими?

Шу боис, соғлом турмуш ва фаровонликнинг мақсади бирламчи тиббий хизматни кучайтириш билан чамбарчас боғлиқ. Поликлиникада навбат, шифокор оқламоси, дори-дармон мавжудлиги, оналар ва болалар саломатлиги, сурункали касалликларни эрта аниқлаш, тиббий хизматдан қониқшиш даражаси очиқ ва доимий баҳоланадиган кўрсаткичга айланиши керак.

Соғлиқни сақлашдаги энг катта самара касалликни даволашдан олдин унинг олдини олишда кўринади. Шунинг учун профилактика, соғлом овқатланиш,

“Яшил иқтисодиёт” деганда фақат йирик қуёш ёки шамол электр станциялари тушу-нимаслиги керак. Албатта, бундай лойиҳа-лар стратегия аҳамиятга эга. Лекин оддий инсон учун “яшил иқтисодиёт” уйда электр таъминоти барқарор бўлиши, иситиш хара-жати қайишиши, кўчасида дарахтлар кў-лайиши, чиқинди ўз вақтида олиб кетилиши, сув тежовчи технологиялар арзон ва қулай бўлиши, жомат транспорти ва ҳаво сифати яхшиланшидир.

Шунинг учун тоза сув ва санитария, арзон ва тоза энергия, барқарор шаҳарлар, иқлим ўзгаришига қарши кураш ҳамда ер ресурслари ва экотизимларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ мақсадлар бир-биридан ажралган ҳолда эмас, ягона ҳаётий занжир сифатида кўрилиши керак. Сув тежалса, қишлоқ хў-жалиги барқарорлашади. Энергия самарадор-лиги ошса, корхона харажати қамаяди. Ҳаво тозаланса, аҳоли саломатлиги яхшиланади. Шаҳарлар яшилганса, ҳаёт сифати ортади.

Экологияга фақат “табиатни муҳофаза қилиш” мавзуси сифатида эмас, иқтисодиёт, соғлиқ, таълим, шаҳарсозлик ва ижтимоий адолат билан боғлиқ умумийлик масала сифатида қараш вақти келди.

## Маҳалла даражасидаги БРМ паспорти

БРМ кўрсаткичлари халқ ҳаётида сези-лиши учун уларни маҳалла даражасига ту-шириш зарур. Республика ёки вилоят бўйича ўртача рақамлар муҳим, аммо улар ҳар доим ҳам аниқ муаммони кўрсатиб бермайди.

Масалан, вилоятда ичимлик сув қамрови ошган бўлиши, аммо айрим маҳаллаларда ҳали ҳам сув муаммоси сақланиши мум-кин. Ҳудуд шундай, туманда ишсизлик ка-майгани ҳолда муайян маҳаллада ёшлар иш топишда қийинлашиши кузатилади. Шаҳарда йўллар таъмирлангани айтилса-да, айрим кўчаларда ёритиш ёки пиёдалар хавфсизли-ги муаммоси кўринади.

Шунинг учун ҳар бир туман ва маҳалла кесимида “БРМ ҳаётий паспорти”ни жорий этиш мақсадга мувофиқ. Унда аҳоли учун энг



## Арзон ва қулай

Ўзбекистон иқлим ўзгариши таъси-рини чуқур ҳис этаётган мамлакатлар-дан бири. Сув танқислиги, ер деграда-цияси, ҳаво сифати, чўлланги, энергия самарадорлиги ва шаҳарларда экологик босим — буларнинг барчаси БРМ билан бевосита боғлиқ.

жисмоний фаоллик, экологик хавфлар ва аҳоли саломатлиги ўртасидаги боғлиқ-лик маҳалла даражасига тушунтирилиши лозим.

Жорий ҳафта юртимизда яна бир муҳим халқаро тадбир — Ўзбекистон энергетика ҳафталиги билан бошланди. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ҳафталик тадбирлари пойтахтимиздаги САЕх халқаро кўргазмалар майдонида 12-14 май кунлари бўлиб ўтмоқда. Унда иштирок этиш учун 34 мамлакатдан 580 дан ортиқ компания вакиллари, 140 спикер ва модератор, 1500 дан ортиқ делегат юртимизда меҳмон бўлиб турибди.

Улар ёқилиш-энергетика соҳасининг энг долзарб масалалари, барқарор ривожланиш стратегиялари, илгор технологик ўзгаришлар ҳамда замонавий ечимларни биргаликда му-ҳокама қилиб, фикр алмашиш мақсадида жам бўлган. Халқаро кўргазма янги ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиб, шериклик лойи-ҳаларини кенгайтириш учун муҳим платфо-рмага айланган.

Ҳафталик тадбирлари ёқилиш-энергетика соҳасининг икки асосий қисми — углеводо-роллари қазиб олиш ва электр энергетикаси йўналишларини бирлаштирди. Яъни САЕх марказида бир вақтнинг ўзида “Ўзбеки-стон нефть ва газ” — OGU 2026” 28-халқаро кўргазмаси ва анжумани ҳамда “Энергетика, энергия тежаш, атом энергетикаси, муқобил энергия манбалари — Power Uzbekistan 2026” 19-халқаро кўргазмаси ўтказилди. Қолавер-са, ҳафталик дастурдан “Марказий Осиёнинг “яшил” ва энергия тежовчи технологиялари — GETSA 2026” ихтисослаштирилган бўлими, 6-халқаро энергетика анжумани ва бошқа йи-рик форматдаги тадбирлари жой олган.

# Энергетика ҳафталиги: ЭНГ ИЛГОР ЛОЙИҲА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ



## Кун мавзуси

Халқаро кўргазма майдони мавзу жиҳати-дан икки қисмга бўлинганга қарамай, умумий кўринишда ахилликни акс эттиради. Унда сыйрамазининг бугунги ва эртанги кунини учун яратилаётган хавфсиз энергетиканинг энг янги технологиялари, замонавий ёндашув ва инно-вациялари, илгор ечимлар намойиш этилмоқда. Кўргазма қатнашчилари сонини рекорд даражага етгани эса оддий рақамлар эмас. Амалда ҳам дунё ҳамжамиятининг Ўзбекистон энергетика соҳасидаги орқан ислохотларига қизиқиши йилдан йилга ўткир бораётган. Электр

энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 40 фоиз ошиб, 60 миллиард киловатт-соатдан 85 мил-лиард киловатт-соатга етди. Булар жуда катта рақамлар. Аммо улар ортида янада муҳим жи-ҳатлар — янги электр станциялари, замонавий технологиялар, янги иш ўринлари, мустаҳкам инфратузилма, бизнес ва аҳоли учун ишончли таъминот мужассам.

Айни жиҳатлар хорижлик ишбилармон-ларни ҳам қизиқтирмоқда. Бунини дунё ёқили-г энергетика соҳасининг кўргазма майдонидан жой олган етакчи гигантлари, машҳур бренд-лар, кўпгина компания ва делегатлар мисо-лида кўриш мумкин. Ҳар бири тадбирларда алоҳида стендлари билан иштирок этмоқда. Беларус, Германия, Хитой, Россия ва Туркия миллий павильонлари, Италия ва Корея Рес-публикаси вакиллари жамоавий стендлари билан қатнашапти.

Одатдагидек Хитой компаниялари кўр-газма иштирокчиларининг катта қисминини ташкил этади. Юздан ортиқ компания эса кўргазмада илк бор иштирок этмоқда. Улар стендларида автоматлаштириш техноло-гиялари, нефть ва газни қайта ишлаш ускуна-лари ва хизматлари, энергия тежайдиган техно-логиялар, электрон ускуналар ва хизматлар, энергия самарадорлиги ечимларини на-моиш қилмоқда.

Павильонларнинг қайси давлатга тегишли эканини байроқ ёки бошқа рамзий белгилари орқали дарров таниб олиш мумкин. Стендлар жой олган майдончалар турли катта-кичик-ликда бўлиб, ҳар бири тақдим этилаётган ма-ҳсулот ва компания ҳақидаги маълумотлар, кўр-газма намуналари, суҳбат учун алоҳида бурчак билан жиҳозланган. Ҳар томонда ёқилиш-энер-гетика саноатига оид қурилмалар, замонавий технологиялар. Улар соҳага алоқаси бўлмаган одамнинг ҳам эътиборини торта олади.

Кўргазма майдонининг бир бурчагида турган катта техника кўринишидан комбайн-га ўхшаб кетади. Аммо хитойлик ишлаб чи-қарувчиларнинг айтишича, у “Сатурн” номли робот бўлиб, қуёш панелларини ўрнатишга мўлжалланган. Очиги, кейинги йилларда қуёш панеллари юртимизда ҳам анча омма-лашиб борапти, аммо бундай замонавий тех-ника яратилганидан беҳабар эканман.

— Ушбу роботни 2024 йил охиридан ишлаб чиқаришни бошладик, — дейди Хи-тоийнинг “Sunrise” компанияси менежери Эсан Ду. — Қурилма 8 соатда мингта қуёш панели ўрната олади. Агар битта одам бир кунда 30 та қуёш панели ўрната олишини чамаласак, ушбу робот 30 дан ортиқ киши-нинг ўрнини босади. Компаниямизда қуёш панелларини ўрнатадиган ва тазалайдиган

Очиқлик ва жамоатчилик баҳоси

БРМни амалга оширишда фуқаролик жа-мияти институтлари, оммавий ахборот воси-талари, маҳаллий кенгашлар, илмий марказ-лар ва мустақил экспертлар фаол иштирок этиши керак. Чунки фақат идоралар ҳисоби-тога таянганда, айрим муаммолар кўринмай қолгани эҳтимоли мавжуд.

Давлат харидлари, қурилиш, субсидия, ижтимоий ёрдан, ер ажратиш, коммунал хизматлар ва маҳаллий инфратузилма ло-йиҳалари бўйича “ажратилган маблағ — бажарилган иш — фуқаро баҳоси” занжи-ри очиқ бўлиши лозим. Ҳар бир маҳаллада қайси лойиҳага қанча маблағ ажратилди, ким бажарди, муддат қандай, аҳоли бу иш-дан розими — маълумотлар содда тилда эълон қилинса, давлат бошқарувида очиқ-лик ва жамоатчилик ишончи янада муста-ҳкамланади. Бу ерда жамоатчилик назорати давлатга қарши эмас, аксинча, ислохотлар-нинг сифатини оширишга хизмат қилгани-дан конструктив механизмдир. Фуқаролик жамияти институтлари айнан шу жараёнда давлат ва аҳоли ўртасида ишонч кўприги вазифасини бажаради.

## Рақобат эмас, ҳамкорлик

БРМни амалга оширишда Ўзбекистон-нинг қўшни давлатлар билан ҳамкорлиги алоҳида аҳамиятга эга. Чунки сув, иқ-лим, энергетика, транспорт, савдо, миг-рация ва экологик хавфлар миллий чегара танламайди.

Қозғоғдан саноат кооперацияси, ра-қамли хизматлар, меҳнат унумдорлиги ва юқори қўйилган қўйилмали тармоқларни ривожлантириш бўйича ўрганиш мумкин. Қирғизистон ва Тожикистон билан сув-энер-гетика мувозаънати, тоғли ҳудудларда иқлим хавфлари, чегараоиди савдо ва меҳнат ми-грацияси масалаларида қўшма ечимлар зарур. Туркменистон билан энергетика, транспорт ва экологик барқарорлик бўйича амалий ҳам-корлик БРМ нуктаи назаридан муҳим.

Ўзбекистоннинг сўнгги йилларда Мар-казий Осиёда яхши қўшничилик муҳитини мус-таҳкамлаш, чегара масалаларини ҳал этиш, транспорт боғлиқлигини кенгайтириш ва минтақавий мулоқотни кучайтириш бораси-даги ташаббуслари барқарор тараққиёт учун шериклик ва ўзаро ишонч қанчалик муҳим эканини кўрсатмоқда. Мурожаатномада ҳам 2025 йилда Самарқандда Марказий Осиё — Европа Иттифоқи саммити ва Халқаро иқлим форуми ўтказилгани, шунингдек, Хўжанд-да Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон етакчилари учрашувида муҳим келишувлар-га эришилгани минтақавий барқарорлик нук-таи назаридан алоҳида қайд этилди.

Бу жараёнлар шунинг кўрсаткичи, Ўз-бекистон учун БРМ нафақат ички ислохотлар, балки минтақавий барқарорлик ва ҳамкорлик кун тартибининг ҳам муҳим қисмига айлан-моқда.

## Хулоса ўрнида

Ўзбекистонда БРМни амалга ошириш учун сиёсий ирода ҳам, стратегик асос ҳам, ислохотлар тажрибаси ҳам мавжуд. “Ўзе-бекистон — 2030” стратегияси, камбағалликни қисқартириш сиёсати, маҳаллавий ишлаш ти-зими, “яшил” энергетика, сув тежаш, таълим ва соғлиқни сақлаш ислохотлари, рақамли давлат хизматлари ва минтақавий ҳамкорлик ташаббуслари БРМ билан бевосита уйғун.

Барқарор ривожланиш мақсадлари халқ учун тушунарли халқаро атама бўлиб қол-маслиги керак. У маҳалладаги тоза сувда, бо-ланинг сифатли таълимида, онанинг тиббий хизматга етишида, ёшларнинг иш топишда, тадбиркорнинг эркин фаолиятида, шаҳар ҳа-восининг тозаланишида ва фуқаронинг давлатга ишончида намоён бўлиши керак.

Шундангина БРМ Ўзбекистон учун та-шкил ҳисобот эмас, янги Ўзбекистон тарақ-қиётининг ҳаётий мазмунига айланади. Барқарор ривожланишнинг асл мақсади ҳам шу — рақамларни эмас, инсон қадрини юксалтириш.

роботлар ишлаб чиқарилади. Ўтган йили шундай роботлардан жами 40 та ишлаб чи-қардик. Уларнинг ҳажми анча катта бўл-гани боис, ишлаб чиқаришга кўп вақт талаб этилади. Нархи ҳам анча баянда. Ўзбеки-стонда хозирча қуёш панели ўрнатадиган фақат битта мана шу робот мавжуд. Уни Бе-ларуснинг “ВТТ” компанияси харид қилган бўлиб, Ўзбекистон ҳудудларидаги лойиҳа-ларида фойдалангани.

Кўргазма майдонининг бошқа бурчагида эса халқаро экспертлар ва соҳа флагманлари ёқилиш-энергетика соҳасининг барқарор ри-вожланиш стратегиялари, илгор техноло-гияларини муҳокама қилиб, назарий ва амалий ечимлар билан ўртоқлашмоқда. Бизнес учра-шувлар, B2B ва B2G шаклидаги мулоқотлар учун ҳам қулай майдон яратилган. Ҳафталик назария ва амалиёт, инновация ва тажриба, саноат ва бизнес вакиллари ўртасидаги му-лоқотнинг синергиясини таъминлаётганини кўриш мумкин.

Бу ҳафталик доирасида имзоландиган ҳамкорлик шартномалари ва меморан-думларига асос бўлиб хизмат қилади. Ол-динда қатор лойиҳалар бўйича келишув-лар кутилмоқда. Хусусан, мамлакатимиз Қирғизистон ва Қозғоғистон билан бирга Қамбарота-1 ГЭС қурилиши лойиҳасини амалий босқичга олиб чиқмоқчи. Шунинг-дек, Ўзбекистон “яшил йўлак” лойиҳаси доирасида Озарбайжон ва Қозғоғистон билан Европа бозорига тоза электр энергияси экспорт қилиш бўйича ҳамкорликни фао-лаштирди.

Энергетика ҳафталиги доирасидаги кўр-газма тадбирлари давом этмоқда.

## Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

yuz\_official



yuz.uz\_news



yuz.uz\_news



### Тараққиёт одимлари

#### Пойдевор мустаҳкам бўлса...

Шиддат билан кечаётган ислохотлар, туб бурилишлар натижасида таълимнинг, келажакимизнинг пойдевори бўлиши мактабга таълимга қамров 78 фоизга, 6 ёшли болаларнинг мактабга тайёрлов кўрсаткичи эса 98 фоизга етказилди. 2017 йилда атиги 27 фоиз бола мактабга таълимга қамраб олинган. Уша пайтда мактабга таълим ташкилотлари сони 5200 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда 7,5 баробар кўпайиб, 39 мингдан ошди. Бу натижаларга ўз-ўзидан эришилмади. Фарқлар оралигида қанча-қанча меҳнат, маблағ, келажакка умид ва ишонч турибди. Мактабга таълимга қамраб олишдаги замонавий ёндашувлар, муқобил шакллар, тизим тарихида бўлмаган амалиётлар қўлланаётгани рақамлардаги катта тафовусларга хизмат қилляпти. Кейинги 10 йил ичида 625 та янги давлат мактабга таълим ташкилоти қурилди, 2,5 мингдан зиёди реконструкция қилинди, 800 га яқин МТГ мукамал таъмирдан чиқарилди. 2017-2025 йилларда 727,7 миллиард сўм ажратилиб, 2493 та мактабга таълим ташкилоти мебель ва бошқа турдаги жиҳозлар билан таъминланди.

Тизимдаги педагоглар сони ва малака даражаси ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. Мисол учун, 2017 йилда мактабга таълим ташкилотларидаги жами педагоглар 58,4 минг нафарни (21,6 фоизи олий маълумотли) ташкил этган бўлса, айни пайтда улар сони 179,5 минг (38,9 фоизи олий маълумотли)га етди. 2026/2027 ўқув йилидан давлат ва нодавлат мактабга таълим ташкилотларининг ўрта махсус маълумотли педагог кадрлари учун тегишли олий таълим ташкилотларида тўлов-шартнома асосида бакалаврлар тайёрлаш бошлангани белгилади. Дуал таълим (5+1) шакли йўлга қўйилиши тизимда олий маълумотлиликдаги маоши кам бўлган юзлаб ходимларга қувонч бағишлади. Бу орқали боғчаларга ҳар йили қарийб 10 минг олий маълумотли мутахассис кириб келиши кўзда тутилган.

Олий маълумотли педагог кадрларни тайёрлашнинг ягона концептуал ёндашув асосида амалга ошириш мақсадида 13 та педагогика олий таълим ташкилоти Мактабга таълим ва мактаб таълими вазирлиги тизимига ўтказилди. Бугунги кунда педагогика олий таълим ташкилотларида 145 мингдан ортиқ талаба таҳсил олмақда. Ўқитувчиликка меҳр қўйган ёшларни рағбатлантириш мақсадида ҳозирча бўлмаган алоҳида давлат стипендияси таъсис этилди. Эндиликда педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларининг 3-4 босқич талабалари Абдулла Авлоний номидаги давлат стипендиати бўлиши мумкин.

Албатта, бу уларни ўқиш ва илмий излашларга ундайди. Соҳада нодавлат таълим муассасалари фаолиятига кенг йўл очилгани ҳам иш ўринлари кўпайишига хизмат қилляпти. Биринчилардан бўлиб мактабга таълимда давлат-хусусий шериклигига имкон берилди. Айни кунда юртимиздаги нодавлат ҳамда ДХШ асосида фаолият юритиб келаётган мактабга таълим ташкилотлари сони 3 мингдан ортиди.

# БУГУНИМИЗ ҲАМ, КЕЛАЖАГИМИЗ ҲАМ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДАН ҚУВВАТЛанади

Жорий йил якунига қадар 1500 дан ортиқ нодавлат боғча, 49 та Илк ривожланиш маркази, 485 та бир йиллик мажбурий тайёрлов гуруҳи ҳамда “Янги авлод” мактабга таълим ташкилотлари ташкил этилиши режалаштирилган. Буларнинг бари таълим заминининг биринчи ҳалқаси — мактабга таълимнинг кейинги босқичига муносиб биттирувчиларни бера олишини таъминлайди.

#### Меҳнатга яраша рағбат

Мактабга таълим ва мактаб таълими вазирлиги берган сўнгги маълумотларга кўра, 2016-2026 йилларда мактаблар сони 513 тага кўпайди ҳамда 750 минг ўқувчи ўрни яратилди. 2017-2025 йилларда инвестиция дастури доирасида 7 мингдан кўпроқ умумтаълим мактабини жиҳозлаш учун республика бюджетидан 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилган.

Аҳоли сони кўпайиб бориши ортидан бугунги кунда 1 миллиондан зиёд ўқувчи ўрни етишмаётгани хусусий мактабларга эҳтиёжи янада ортиради. Шу маънода, 2030 йилга қадар нодавлат мактаблар сони ҳам 1000 тага етказиш режалаштирилган. Айни пайтда улар сони 750 тани ташкил этипти. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида таълим тизими ислохотлари устувор йўналишлардан бири этиб белгиланган. 2030 йилгача барча мактабларнинг моддий-техник базасини етарли даражада янгилаш баробарида

ўқитувчилар салоҳиятини ошириш долзарб вазифалар сирасига киритилган. Бинобарин, таълим сифати фақат замонавий биноларга эмас, ўқитувчилар методикаси, педагогик маҳорати каби омилларга ҳам боғлиқ. Шунинг учун кейинги йилларда ўқитувчи шахсига алоҳида ҳурмат, эътибор билан қаралайти. Соҳа вакилларининг ойлик маоши босқичма-босқич ошириб борилмоқда. Мутасаддиларнинг айтишича, бундан 10 йил аввал мактаб ўқитувчисининг ойлик иш ҳақи 1,5 миллион сўмгача бўлган бўлса, бугунги кунга келиб бу миқдор деярли 3 баробар ошди. Бу вақт оралигида умумий ўрта таълим тизимида педагог кадрлар сифат таркиби яхшиланди. Жумладан, 2016 йилда умумтаълим мактабларидаги 389 минг 740 педагогдан 15 минг 807 нафари (4,1 фоиз) олий тоифали бўлган, бугун эса 547 минг 990 ўқитувчининг 73 мингдан зиёди (13,7 фоиз) олий тоифали.

Ҳозирги кунга келиб, ўқитувчининг тоифаси, ставкаси, стажи, меҳнат самарадорлиги ва илмий фаолиятига қараб, иш ҳақига қўшимча ва устамаларни қўйиш тизими жорий этилди. 2026 йилда мазкур тартиб асосида 24 минг 289 педагог 10 миллиондан 20 миллион сўмгача миқдорда иш ҳақи олиб келмоқда. Аслида, бугун 500 мингдан зиёд педагогнинг ҳаммасида катта имконият, шароит бор. Минг, икки минг доллар миқдоридagi маош фалонча ўқитувчига берилсин деган чекловнинг ўзи йўқ. Меҳнатга яраша рағбат шаффофликни таъминлайди.

эга мактаб ўқувчилари сони 2026 йилда 40 минг 566 нафарни ташкил этиб, 2021 йилдагига (10 минг 960 нафар) нисбатан 3,7 баробар ортиди.

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб мактабларда иккита хорижий тилга ўргатиш амалиёти йўлга қўйилиб, бугунги кунда бундай турдаги мактаблар сони 420 тага етказилди. Шунингдек, мактабларда чет тили фанини ўқитиш сифатини янада ях-

#### 3 минг долларга яқин маош олаётган педагоглар бор

Таълим тизимидаги сўнгги йиллардаги ўзгаришлар соҳани бутунлай янги қиёфа ва янги босқичга олиб чиқгани ҳолда иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизими ҳам ривожланди.



халқаро ва минтақавий олимпиадаларда 127 та медаль (24 та олтин, 46 та кумуш, 57 та бронза) қўлга киритилди. Бу ўзбекистонлик ўқувчилар қўлга киритган медалларнинг 60,4 фоизини ташкил этади.

Жорий ўқув йилида Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг 11-синф ўқувчиларидан 34 нафари дунё рейтингига ТОП-300 га кирувчи олийгоҳларга 100 фоизли грант асосида мuddатидан олдин талабалikka қабул қилинди. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари Элбек Зоҳиджонов ва Асилбек Суннатовнинг тарихий натижа кўрсатиб, АҚШдаги Массачусетс технологиялар институтининг (MIT) 385 минг долларлик грантини қўлга киритгани ихтисослаштирилган мактаблар нуфузини яна бир қарра оширди. Илм йўлида қатъиятли ёшлар, фарзандининг интеллектуал ривожланишини истаган ота-оналарни руҳлантираётган бу каби кўрсаткичлар йилдан йилга ортиб бораётди. Тизимдаги мактаб ва олийгоҳлар ўртасида “таълим кластери” яратилгани эътиборга молик. Мирзо Улуғбек, Муҳаммад ал-Хоразмий ва Абу Али ибн Сино номидаги таълим ихтисослаштирилган мактабларнинг таълим дастурлари Янги Ўзбекистон, Ал-Хоразмий, Фармацевтика техник университетларининг таълим дастурлари билан интеграция қилиниб, профессор-ўқитувчилар таълим жараёнига жалб этилди. Таълим дастурларини лозим даражада ўзлаштирган биттирувчиларга ўқини мазкур университетларнинг тегишли бакалаврият таълим йўналишида 2-босқичдан давом эттиришга имконият яратилди.

#### Эртамиз эгалари ишончимизни оқлайди

Ихтисослаштирилган, Президент мактабларига тайёрларик бугун 1-синфдан оқ бошлангипти. 2-3 йил аввал ота-оналар бунга 3-синфдан ҳаракат қилар эди. Демак, рақобат ошгани сайин тайёрларик мuddати ҳам узайяпти. Утган йили Президент мактабларида ўқини истагиди бўлган талабгорлар сони 1 ўринга 148 нафарни ташкил этгани ҳам бунни тасдиқлаб турибди.

Дарвоқе, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқини истагиди бўлган талабгорлар учун яна бир ижобий янгилик. Агентлик директори Севара Шоқирова ақиндагина журналистлар билан бўлган мулоқотда жорий ўқув йилидан айни мактабларга қамров кенгайтирилиши маълум қилди. Қашқадарь, Наманган ва Навоий вилоятларида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактаб филиаллари очилди, 5-10-синфларга ўқувчилар қабул қилинади. Тошкент шаҳрида хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат иш бошлайди. Мактаб-интернатта мактабга таълим гуруҳи ҳамда 1-7-синфларга ўқувчилар қабул қилинади. Шунингдек, худудларда босқичма-босқич муҳандислик мактаблари ташкил этилиб, 7-10-синфларга ўқувчилар танлаб олинади. Мирзачўл, Ромитан, Тойлок, Ховос, Сўх, Тошкент туманларида ихтисослаштирилган мактаблар очилиб, аниқ фанлар йўналишида 5-10, табиий фанлар йўналишида 7-10-синфларга ўқувчилар қабул қилинади.

Бу йил Марказий Осиёда илк бор 58-халқаро кимё олимпиадаси (10-19 июль кунлари) ҳамда 38-халқаро информатика олимпиадаси (9-16 август кунлари) Ўзбекистонда ўтказилди. Меҳнатли шараф билан бирга илмий салоҳиятимизни, янгилаётган таълим тизими берган имкониятлардан қандай фойдаланаётганимизни кўрсатиш фурсати яқин. Умид қиламизки, вақтимиз, бор меҳримиз, малағимизни раво кўраётганимиз — эртамиз эгалари қўйган натижаларга эришиб, ишончимизни оқлайди. Жамиятнинг ислоҳ қилиш, ривожланган давлатларга тенгшарлиқ тараққий этиш йўлида таълим, таълим ва яна таълимга суяниб, асло хато қилмаётганимизни мислсиз галабаларда кўраимиз.

Муножат МҶМИНОВА,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Педагогларга тизимда авваллари берилмаган имтиёзлар, имкониятлар тақдим этилаётгани уларнинг ўз касбига меҳрини янада ошираётгани аниқ. Ўқитувчиларни хорижда малака ошириш ва стажировкадан ўтказиш амалиёти самарали ишлаб келмоқда. Биргина 2025 йилда 183 педагог Сингапур, Малайзия, Жанубий Корея, Озарбайжон, Франция, Германия, Буюк Британия ва Туркияда малака оширди.

шिलाш мақсадида Тошкент шаҳрида “Келажак учун хорижий тил” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, таълим учун сарфланаётган маблағларимиз “мактаб таълимининг ривожлантириш бўл учун буюк умумийлик мақсада, умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур”, деган эзгу ниятимиз рўбегига хизмат қилляпти. Таълимнинг

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ташкил этилгани таълимда тарихий воқелик бўлди дейиш мумкин.

Даставвал 16 та (4 та Президент, 9 та ижод ва 3 та ихтисослаштирилган) мактабга таълим тизим бугунги кунда 234 та таълим ташкилоти фаолиятини мувофиқлаштириб келяпти. Жорий ўқув йилида тизимда 14 та Президент, 9 та ижод, 2 та спорт, 203 та ихтисослаштирилган мактаб, 3 та олий таълим муассасаси, 2 та марказ ва 1 та оромгоҳ фаолият юритиб келмоқда.

Тизимдаги жами 228 та мактабда 75 мингга яқин ўқувчига 9 минг педагог томонидан таълим-тарбия берилмоқда. Президент мактабларининг 43 нафар маҳаллий ўқитувчиси халқаро ўқитувчи макомини қўлга киритди. Бундай мақомга эга педагоглар 3 минг долларга яқин миқдорда ойлик маош олаётгани ҳақиқат. Умумтаълим мактаблари педагоглари каби ушбу тизим ўқитувчиларида ҳам юқори маош олишда ҳеч қандай чеклов йўқ. Фақат меҳнат, натижа орқали бунга бемалол эришиш мумкин.

#### Юқори салоҳият самарадорликни кўрсатяпти

Бугун таълимга доир кўплаб танловлар, республика ва халқаро олимпиадалар, миллий ва халқаро сертификатларни қўлга киритишдаги муваффақиятларда ихтисослаштирилган таълим муассасалари ўқувчиларининг улуши катта. Мактаб ўқувчилари ва биттирувчилари томонидан қайд этилаётган ижобий натижалар фаолият самарадорлигини баҳолашда ижобий аҳамият касб этмоқда. Биргина 2025 йилда ўтказилган нуфузли



Ўтган йиллар давомида хорижий тажрибали самарадорлиги, ўқувчиларнинг хорижий тилини билиш даражаси сезиларли ўсди. Хусусан, тил билиш сертификатига

ихтисослашуви эса ўқитувчини, ўқувчи ёшларни ўз устида ишлашга ундаётгани ҳолда ота-оналарда фарзанднинг ёруғ келажакига масъуллиқни оширяпти.



Айни шу руҳда Фаргона давлат университетига ўтказилган халқаро Тинчлик форумида таъкидланганидек, Фаргона водийси бир неча ўн йиллар давомида мураккаб зиддиятлар худуди сифатида қабул қилинган. Бугун эса у яхши қўшничилик, очкилик ва биргаликда бунёдкорлик орқали ишонсизликнинг тарихий меросини енгитишнинг ёрқин намунаси бўлиб турибди. Форум нафақат мухоама майдони, балки Марказий Осиёда янги ҳамкорлик фалсафасини шакллантириш йўлидаги муҳим қадам бўлиб хизмат қилди.

#### Нуқтаи назар

Меҳри қайноқ қуёш тоғлар ортидан ям-яшил водийларга нуруларини соча бошлаган тонтоғларда Ўзбекистон ҳам унинг қошига зафарлар, янги муваффақиятлар ва мақсадлар билан пешвоз чиқади. “Қишларида баҳор шивирлайдиган”, “сал кўрмаса қуёш соғинадиган” юртимизда ҳаёт қайнайди. Инсон қадри улуғланган янги Ўзбекистонда улкан ислохотлар шабадаси эсади.



Айни пайтда Фаргона вилояти тинчлик ва маънавий уйғоншининг, иқтисодий барқарорлик ва инновация ривожланишининг замонавий рамизи сифатида дунё ҳамжамиятига ўзини намойиш этмоқда. Жорий йилнинг 7 май куни дунёнинг энг

нуфузли рейтинг агентликларидан бири — Fitch Ratings Фаргона вилоятининг хорижий ва миллий валютадаги узоқ мuddатли кредит рейтингини “ББ-” даражасида, истискобинини эса “Барқарор” деб баҳолади. Аввалроқ, 2025 йилнинг ноябрь ойида S&P Global Ratings ҳам вилоятни “Б+”дан “ББ-”га кўтарган эди. Икки етакчи агентликнинг бир хил юқори баҳо бериши Фаргонанинг Ўзбекистонда молиявий интизом, инвестицион жозибадорлиги ва иқтисодий барқарорлиги бўйича етарки худуд сифатида расман эътироф этилишидир.

# ФАРГОНА — ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ НАМУНАСИ

Бу баҳо оддий рақам эмас. Бу тинчлик шароитида фидокорона меҳнат, жасратли ишловлар ва буюк орзулар билан яратилган янги Фаргонанинг халқаро миқёсдаги тантанали тасдиқланishiдир.

Fitch Ratings таҳлилида қайд этилишича, вилоят мустақил кредит профилини мустаҳкам сақлаб, қарз юкани бошқариш кўрсаткичини барқарор даражада ушлаб турибди. 2030 йилга қадар қарзни қоплаш коэффициентини хавфсиз диапазонда бўлиши кутулкимоқда. Солиқ тушумлари улуши 47 фоизга етгани ва марказий трансфертларга қарамлик

камайиши молиявий мустақиллик ортиб бораётганини кўрсатади.

Президентимизнинг ақинда Фаргона вилоятига ташрифи давомида ўтказилган йилги келтирилган рақамлар бу баҳони ёрқин тасдиқлайди: сўнгги йилларда вилоятга 8,2 миллиард доллар инвестиция қўлга қилинди, 8 мингдан ортиқ замонавий қувват ишга туширилди, тадбиркорликка 100 триллион сўм йўналтирилди. Натижада ялпи худудий маҳсулот 1,7 баравар, sanoat 1,5 баравар, хизмат кўрсатиш соҳаси 3 баравар ўсди. Ишчиллик 9,2 фоиздан 4,6 фоизга, камбағаллик эса 11,6 фоиздан 5,2 фоизга тушди.

Сўнгги йилларда Фаргона халқаро ҳамкорликда катта ютуқларга эришди. Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 124 тадан 900 тага ошди. АЙНИКС, ХИТОЙ, Саудия Арабистони, Туркия, Жанубий Корея, Франция, БАА, Қатар ва бошқа давлатлар билан sanoat, тиббиёт, инфратузилма ва туризм йўналишларида ҳамкорлик ривожланмоқда. АТ соҳада эса компаниялар сони 69 тадан 139 тага, хорижий компаниялар 4 тадан 49 тага етди, экспорт ҳажми эса 22,7 миллион долларга ошди.

Тинчлик ва барқарор ривожланишнинг энг муҳим шарты маънавий уйғонши ва илм-фан тараққийтидир. “Беш миллион сунъий интелект етакчиси” дастурида Фаргона етакчилик қилаётгани, юқори малакали кадрлар тайёрланаётгани вилоятни рақамли трансформация марказига айлантирмоқда.

Шу билан бирга, “Бурҳониддин Марғиноний” илмий-маърифий ва туризм мажмуаси, Қўқон адабий муҳити, аския санъати маркази ва зиёрат, экотуризм лойиҳалари орқали иқтисодий ўсишга чуқур маънавий мазмун қўшилимоқда.

Бугун Фаргона тинчлик, маънавий юксалиш ва иқтисодий қудратнинг уйғунлашган намунаси сифатида Марказий Осиёга илҳом бермоқда. Бу муваффақиятлар асосида халқимизнинг тинчликсеварлиги ва фидокорона меҳнати ётади. Халқаро рейтинглар бизга катта ишонч бағишласа-да, олдимизда янги масъулиятлар турибди.

Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,  
Фаргона давлат университетига ректори



## Маърифат бўстони

# КИТОБ — ҚАЛБ ЧИРОҒИ

Ёшларнинг билим олиши, маърифатга ошно бўлишида замонавий ахборот-кутубхона марказлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси туманларида шундай янги марказлар бунёд этиляпти. Китоб фондлари мунтазам янгиланиб, турли адабий-бадий тадбирлар ўтказилмоқда.



Қонлиқул туманида яқинда қурилиши тугалланган, замонавий талабларга жавоб берадиган кутубхона юртимизда мутлола маданиятини янада кучайтириш, кутубхоналар фаолиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларга яна бир мисол сифатида буй кўрсатди.

— Ушбу кутубхона энг сўнгги ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган. Бой китоб фондида, электрон ресурслардан фойдаланиш имкониятларига эга. Барча ёшдаги китобхонлар учун қулай шароитлар яратилган. У ташаббусли бюджет ҳисобидан ажратилган 1 миллиард 500 миллион сўм маблағ эвазига 138 метр квадрат майдонда барпо этилди, — дейди Ахборот-кутубхона маркази директори Паршагул Атамуратова. — Ахборот-кутубхона базаси 11 мингдан ортиқ номдаги 41 мингдан зиёд китоб фондига эга. Уч мингта ақин китобни онлайн платформалар орқали ўқиш имконияти мавжуд.

солди. Бу эса мактаб ва кутубхона ҳамкорлигининг амалий самараси сифатида буй кўрсатди. Тадбир якунида фаол иштирок этган ва билимдонлиги билан ажралиб турган ўқувчиларга ахборот-кутубхона марказининг эсдалик совгалари топширилди.

— Замонавий ахборот технологиялари ривожланган даврда ҳам кутубхоналар ўз жойбаси ва аҳамиятини йўқотгани йўқ, Аксинча, улар янада қизиқарли, замонавий билимлар масканига айланиб бормоқда. Бугун марказимиз фондида 65 минг 594 нусхадан ортиқ турли жанрдаги адабиёт жамланган. Бундай бой хазинадан ҳар бир китобхон ўз диди ва қизиқишига мос асарни топиши мумкин, — дейди Амурдурё тумани ахборот-кутубхона маркази мутахассиси Муножат Сапарбоева. — Марказдан 6170 дан ортиқ фойдаланувчи мунтазам баҳраманд бўлиб келмоқда. Кутубхона аъзолари сафида барча ёшдагилар борлиги илм олиш ва мутлола қилиш учун ҳеч қандай чегара йўқлигидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 15 январдаги тегишли қарори мамлакатимизда маънавий ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Унда 2026-2030 йилларда аҳолининг ўқиш кўрсаткичини йиллик ўртача 10 та китобга етказиш устувор вазифа

мутолаани шахсий қизиқишдан ижтимоий қадрият даражасига олиб чиқади. Мазкур ислохотлар замирида жуда муҳим голя муҳассам: китобхон жамият — барқарор жамият. Чунки китоб ўқишдан инсон таҳлил қилади, мулоҳаза қилиб, масъулият билан қарор қабул қилади.

Ушбу қарор юртимизнинг чекка ҳудудларидаги аҳоли учун ҳам ажойиб янгилик бўлади. Ёшлар ҳар бир янги китобни ўқиб тугатган кунини ўзига хос байрам сифатида нишонлашга интиломоқда. Эллиқалъа туманида ҳам мазкур қарорни кутубхоначилар ва китобхонлар соҳага қаратилган эътибор сифатида қабул қилиб, берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишга интиломоқда. Туман ахборот-кутубхона маркази томонидан аҳоли ва ёшлар ўртасида мутолаани омаллаштириш, рақамли хизматларни кенгайтириш ҳамда маънавий-маърифий муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган тизимли лойиҳалар йўлга қўйилган.

— Марказнинг ижтимоий тармоқдаги саҳифаси орқали онлайн “Заковат” интеллектуал ўйинлари, викториналар ва маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда. Аҳоли ва ёшлар учун компьютер технологиялари ҳамда интернетдан самарали фойдаланишга бағишланган семинарлар ташкил этилмоқда. Шу билан бирга, PDF ва аудио форматда китоб етказиб бериш хизмати йўлга қўйилиб, адабиётга тезкор кириш имконияти яратилган, — дейди Эллиқалъа тумани ахборот-кутубхона маркази директори Мақсуда Жуманиязова. — Шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларга ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодига оид қизиқарли фактлар ҳамда китоблар ҳақидаги маълумотлар мунтазам жойлаштириб бориломоқда. Бу эса мутолаани замонавий ахборот муҳити билан уйғунлаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Шу билан бирга, кутубхона веб-саҳифасида “хорижий адабиётлар” рунки ташкил этилиб, унда янги адабиётлар жойлаштирилган.

Эллиқалъа тумани ҳоқимлиги ташаббуси билан кутубхона фонди янги адабиётлар билан бойимқда. Бугун ахборот-кутубхона маркази фондида 10 минг 773 номдаги 32 минг 35 нусхаддаги адабиёт мавжуд. Марказ 15 минг 400 дан ортиқ фойдаланувчига хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, фаол китобхонлар — Самандар Исмоилов, Тўхташ Тўраева ҳамда Хулқарой Қаландарова хонадонидан намунавий уй-кутубхоналар ташкил этилиб, маҳалла ёшлари учун очиқ маърифат маскани вазифасини ўтапти.

Туманда китоб савдонини ривожлантириш йўналишида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатиломоқда. Ҳозир 2 та йирик китоб дўкони аҳолига онлайн ва офлайн хизмат кўрсатиб, китобларни кенг оммага тезкор етказиб бериш имкониятини яратмоқда.

Эллиқалъа туманидаги ишлар мутлола маданияти фақат тарғибот билан эмас, балки тизимли амалий фаолият орқали ривожланишини кўрсатади. Кутубхона хизматларининг кенгайтириши, рақамли имкониятларнинг жорий этилиши, аҳоли ва ёшларни қамраб олган маърифий тадбирлар китобхонлик муҳитини мустаҳкамлаб боради.

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Болалик чоғидан мутолагага ошно бўлиш ёш авлоднинг қомил инсон сифатида вояга етишида мустаҳкам пойдевор вазифасини бажаради. Ҳар йили дунё миқёсида нишонланадиган Халқаро болалар китоби куни ҳам



айнан мана шу эзгу мақсадга — фарзандларимизнинг китоб билан дўстлашувига хизмат қилади.

Амурдурё тумани ахборот-кутубхона марказида ташкил қилинган “Китоб — қалб чироғи” номли адабий-бадий кеча ҳам ана шундай маънавий байрамлардан бирига айланди. Тадбирда тумандаги 59-мактабнинг энг фаол, интилувчан ва китобхон ўқувчилари жамланди. Китобхонлик кечасининг асосий мазмун-моҳияти ёшларни мутолагага чорлаш, ижодий салоҳиятини юзага чиқариш ва маънавий дунёсини бойитишдан иборат бўлди. Тадбир доирасида ташкил этилган “Заковат” интеллектуал ўйини ўқувчиларнинг нафақат билимини, балки тезкор фикрлаш ва мантиқий мушоҳада юритиш қобилиятини ҳам синновдан ўтказди. Савол-жавобларда болаларнинг ҳақон ва ўзбек адабиёти намояндлари ҳаёти ҳамда ижоди ҳақидаги чуқур билими барчани ҳайратта

сифатида белгиланган. Бу қарорнинг энг муҳим жиҳати, китобхонликни тизимли давлат механизми орқали ҳам ривожлантиришга қаратилганидир.

Қарорга мувофиқ, Ёшлар ишлари агентлиги ҳузурида Китобхонлик маданиятини ривожлантириш жамғармаси, яъни китобхонликни қўллаб-қувватлашнинг янги институти ташкил этилди. Мазкур жамғарма нафақат китоб мутолаасини тарғиб қилади, балки адабиёт соҳасида ижодкорликни ҳам рағбатлантиради.

Энг муҳими, китобхонлик ижтимоий қадрият сифатида қайта тикланмоқда. Бу жараён жамиятда фикрлаш маданиятини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, давлат идоралари ва ташкилотларда “Китоб бурчаги”, “Китоб ўқиш соати”, китобхонлик рейтингини, энг кўп китоб ўқиган ходимларни моддий рағбатлантириш каби амалиётлар жорий этилди. Бу эса



Мактабда ўқиб юрган кезларим онам ўртоқларимни сараларди. “Бу дўстинг билан кўп ҳам ошқатик бўлаверма, мана бу ўртоғинг билан қалинрок бўл” ёки “Анави бола билан умуман кўришма”, дея маслаҳат беради. Ҳар доим ҳам сўзларига қулоқ солавермасдим. Баъзан онам суймаган ўртоғим уйга қақириб келса, “Уйда йўқ”, деб қайтариб юборарди.

## Болангизни қанчалик яхши биласиз?

Ўшанда қаттиқ жаҳлим чиқарди, аммо вақтнинг ўзи онам ҳақ эканини исботлади. Уша вақтларда кўпчилик тенгдошларимнинг ота-онаси уларни мана шундай назорат қилиб турарди. Ота-онам куннинг қайси қисмида, қаерда, қимлар билан эканимни, таҳминан бўлса-да, биларди. Албатта, ушбу назорат бизнинг фойдамизга хизмат қилган. Ахир бежиз айтишмаган “Яхши билан юрсанг, етарсан муродга, ёмон билан юрсанг, қоларсан уятга”.

Аммо бугун давр бошқача. Фарзандингизни қим билан дўст экани, нималар қилганини назорат қилиш деярли имконсиз. Масалан, ёнингизда ўтириб, ижтимоий тармоқлар орқали турли характердаги дўстлари билан ёшишаётган бўлиши мумкин. Халқимизда “Дўстинг қимлигини айт, сенинг қимлигини айтмаман” деган ибора бор. Фарзандингизнинг дўстлари қимлигини билмаганингиз болангизни ҳам яхши танимаслигингизни аниглайди. Бугунги даврда дўсту душман уйингиз эшигини қочиб келмайди, аксинча, профилингиздан

Турли қонуний метёрлар билан контент тарқатишни назорат қилиш мушкул. Сабаби, чек-чегарасиз интернет оламида контент яратувчилар ҳам талайгина. Ахборот оқими кўпчилиги сабаб барибир қайсидаир сайт, ижтимоий тармоқ контентида, албатта, қонун бузилишлари эътибордан четда қолмоқда. Ё бўлмаса, ўзларининг миллий ижтимоий тармоғини яратган мамлакатларда ҳам оммабоп тармоқлардан фойдаланилаётганини кузатиш мумкин.

Хўш, дунё бош қотираётган бу муаммо олдидан биз қандай йўл тутишимиз керак? Ушбу иллатга қарши курашишда мамлакатимиз қай йўлдан бормоқда?

— Сўнгги йилларда дунё миқёсида болаларнинг интернет ва ижтимоий тармоқлардаги хавфсизлиги масаласида фақат ахлоқий муҳокамалар дорисидан чиқиб, кенг жамоат хавфсизлиги ва бола ҳуқуқлари масаласига айланди, — дейди “Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими Расулбек Ҳожиёв. — Онлайн зўравонлик, кибербуллинг, зарарли

амалиётини шартли равишда икки йўналишга ажратиш мумкин: қатъий тақиқ ва тартибга солиш (регуляция).

Австралияда 16 ёшгача бўлган болаларнинг ижтимоий тармоқларда аккаунт очошига чекловда асосий масъулият платформалар зиммасига юкланган: улар ёшни текшириши ва болаларни платформага киритишга йўл қўймастик учун чора кўриши шарт. Бироқ амалиёт кўрсатмоқдаки, техник жиҳатдан бу чекловни айланиб ўтиш мумкин.

Франция ва Туркияда эса шунга яқин ташаббуслар муҳокама қилинмоқда. Ҳар икки давлатда ҳам 15 ёшгача бўлганлар учун чекловлар, шунингдек, платформалар зиммасига ёшни текшириш ва ота-она назоратини таъминлаш мажбуриятини юклаган назарда тутилган.

Умумий ҳулоса шуки, глобал тенденция болани тўлиқ тақиқлашдан кўра, платформаларнинг болалар олдидagi масъулиятини ҳуқуқий мажбуриятга айлантириш томон ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистонда бундай сиёсатга эҳтиёж борлигини бир неча омиллар тасдиқлайди. Аввало, болаларга нисбатан зўравонлик, жумладан, кибербуллинг ҳуқуқий жиҳатдан тан олинган ва унга қарши давлат сиёсати шакллантирилмоқда. Шунингдек, болаларнинг зўравонликнинг барча шаклларида химоя қилишнинг 2026-2030 йилларга мўлжалланган миллий стратегияси бу йўналиш устувор эканини аниглайди.

Бундан ташқари, ёшни текшириш механизми шакли маълумотлар хавфсизлигига таҳдид бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар қандай сиёсат “маълумотларни минимал йиғиш” тасиби йили асосида қурилиши лозим. Бундай жараёнда энг мақбул ечим ҳисобланадиган бўлиши шубҳасиз. Фикримизча, мамлакатимиз учун энг тўғри йўл — босқичли ва мувозанатли регулятор сиёсатини жорий этиш.

Биринчи босқичда болалар учун хавфли функцияларни чеклаш талаб этилиши керак. Масалан, номаълум кишилар билан ёзишмалар, очиқ гуруҳларга кириш, геолокация, алгоритмик тавсиялар ва жонли эфирлар каби функциялар автоматик равишда чекланиши мумкин.

Иккинчи босқичда ёшни ишончли аниқлаш ва ота-она назорати механизмларини жорий қилиш лозим. Бу ерда платформаларга “оқилона чоралар” стандартини белгилаш, ота-оналар учун назорат панеллари, вақт чекловлари ва контент филтрларини таъминлаш муҳим.

Юқоридаги чоралар самара бермаган тақдирдагина учинчи босқич сифатида муайян ёшгача аккаунт очошини чеклаш масаласи кўриб чиқилади.

Вояга етмаганларни ижтимоий тармоқларда чеклаш бўйича дунёда ягона ёндашув йўқ. Айрим давлатлар қатъий тақиқни танлаётган бўлса, бошқалари тартибга солиш ва назоратни кучайтириш орқали муаммони ҳал қилишга уринмоқда.

Ўзбекистон учун энг самарали йўл тўлиқ тақиқдан кўра, платформалар масъулиятини ошириш, ёшни текшириш, ота-она назорати ва хавфли функцияларни чеклашга асосланган босқичма-босқич сиёсатини жорий этишдир. Бу ёндашув миллий қонуночилик ва стратегик мақсадларга ҳам мос келади.

**Санжар ТУРДИҚУЛОВ,**  
журналист



“Иккинчи босқичда ёшни ишончли аниқлаш ва ота-она назорати механизмларини жорий қилиш лозим. Бу ерда платформаларга “оқилона чоралар” стандартини белгилаш, ота-оналар учун назорат панеллари, вақт чекловлари ва контент филтрларини таъминлаш муҳим.

сизга боғланади. Ижтимоий тармоқларда баъзан биз, катталар фирибгарлар тузоғига тушиб қоламиз. Ҳали содда болаларнинг уларга алданиб, тўғри йўлдан адашиб қолиши ҳеч гап эмас. Бунинг устига, “ўргинчак тўри” дея таъриф бериладиган интернет турли тузоқлар, фарз ниятли одамлар билан тўлиб-тошган. Онлайн қимор нағнага дейсизми, наркотик ва психотроп моддаларнинг онлайн савдонини, турли шарм-хаёсиз контентлар дейсизми — барчасини кўриш мумкин. Хўш, вояга етмаган фарзандларимизни бу иллатлардан асраш учун нима қиламиз?

Дунё ҳамжамияти бу ҳолат эҳшиликка олиб бормаслиги, давлат ва жамият, миллат келажакини сўроқ остига қўйишдан хавотирланиб, олдини олишнинг ўзига хос тартиб ва метёрларини ишлаб чиқмоқда. Айрим давлатлар бундай контентларни чеклашга зўр бераётган бўлса, айримлари вояга етмаган ўғил-қизларини ижтимоий тармоқлардан узокроқ тутишга уринапти. Баъзи мамлакатлар эса ўз аҳолиси учун алоҳида ижтимоий тармоқлар яратмоқда.

контент, фирибгарлик, шантаж ва ноқонуний зўравонлик каби хавфлар, шунингдек, платформалардаги “одатлантирувчи дизайн” (масалан, алгоритмик тасмалар, чекланмаган қисқа видеолар (скролл) ва автоматик тавсиялар) болалар психологияси ва хавфсизлигига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда ҳам бу масала долзарб бўлиб, 2024 йилда қабул қилинган “Болалар зўравонлигининг барча шаклларида химоя қилиш тўғрисида”ги қонун билан болаларни зўравонлигининг барча шаклларида, жумладан, кибербуллингдан химоя қилиш ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Шу нуқтан назардан, ижтимоий тармоқларда ёш чекловларини жорий этиш профилактик сиёсатнинг муҳим элементи сифатида қаралиши мумкин. Мазкур соҳада дунё

